15 МАР 1990

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 61 (20. 628) • 1990 йил 14 март, чоршанба • Баҳоси 3 тийин.

СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари учинчи Съезди

ХАЛҚ ҲОКИМИЯТИНИНГ САМАРАДОРЛИГИ УЧУН

Илгари хабар қилинганидек, 12 март куни Кремлда СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари учинчи Съезди ўз ишини бошлади.

Съездда СССР Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳамда СССР Президенти лавозимини таъсис этиш тўғрисидаги масалани муҳокама қилишга киришилди. СССР Олий Совети Раисининг биринчи ўринбосари А. И. ЛУКЬЯНОВ доклад қилди.

Доклад юзасидан мунозаралар бошланиши олдидан депутат **Н. Г. Дмитриев** президентлик лавозимини умуман таъсис этиш керакми, агар керак бўлса, унда хусусан СССР Президентини қачон ва қандай сайлаш лозим, деган принципиал масалани муҳокамасиз овозга қўйишни таклиф этди. Съезд охир оқибатда бундай ёндашувга рози бўлмади.

Биз ҳозир мамлакатимиз ҳокимиятида фалажлик бошланган бир вазиятда турибмиз. Мунозараларни очган депутат **С. С. Алексеев** ўз нутқини ана шуни таъкидлаш билан бошлади Ҳокимият ҳақиқатан ҳам ишламаяпти, у аслида ишлаш қобилиятига эга эмас. Бир ернинг ўзида депсиниш натижасида ўз-ўзидан пайдо бўлаётган унсурлар кўпаймоқда. Бу эса олдиндан билиб бўлмайдиган оқибатлар хавфини келтириб чиқармоқда.

СССР конституцион назорат комитетининг раиси президентлик лавозими тўғрисидаги масаланинг моҳиятини тилга олар экан, ушбу мавзудаги бир қанча жиҳатларни алоҳида кўрсатиб ўтди. Биз шу вақтгача давлат тўғрисида тотаритал тасаввурга эга бўлиб келдик, деб уқтирди у. Давлатни тасаввур этишнинг ўзини ўзгартириш, уни ёркин, нурафшон мазмунда кўриш керак. Давлат — бу қонунийликнинг, осойишталик, эркинлик, ишонч, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг кафолатидир.

Нотиқ нутқининг иккинчи қисмида «Барча ҳокимият — Советларга!» деган шиор олға сурилди. Биз Олий Совет сингари коллегиал органнинг тузилишида уни шундай тушуниб келдик. Ахир бугун парламент ишида катта нуқсонлар кўринмаяптими? Нотиқ ушбу саволга жавоб берар экан, соф парламент тузилмаси баъзан бошқа берк кўчага олиб киришга қодирлигини, у ҳар қандай қарорни муҳосара қилиши мумкинлигини ва қизиғи шундаки, диктатурага ҳаммадан кўра кўпроқ мослашганлигини айтди.

Қонуншунос фан маълумотларига асосланиб, ташкилий жиҳатдан тузилмаларга эга бўлган давлат ҳокимиятигина ўз кучларига эга бўла бошлаганлигини тасдиқлади. Фақат ана шу ҳокимият унинг асосий бўлинмалари — судлов, ижроия ва қонун чиқарувчи ҳокимият ўзаро тенгластирилган тақдирда ниҳоятда марказлаштиришнинг олдини олиши мумкин.

Нотиқ Президент тўғрисидаги масала зудлик билан ҳал этилишини ёқлаб гапирди, бу масала сиёсий системамиздаги катта ва аллақачон етилган ўзгаришлар билан боғлиқ эканлигини таъкидлади. У СССР янги конституциясини тайёрлашни кечиктирмасликка ҳам чақирди.

Ракета-космик комплексларни ишлаб чиқиш билан кўп йиллар давомида шуғулланиб келаётган депутат **В. Ф. Уткин** ҳар бир киши ўйлаб, масъулият билан иш тутишини тақозо этаётган бугунги вазиятнинг баъзи жиҳатларини ўртоқлашди. Физика ва механика қонунларига кўра, деди у, зарур тезликка эришиш учун ракетанинг яроқсиз бўлиб қолган қисми чиқариб ташланади ва енгиллашган ракета олға интилади. Бу нарса аниқ ҳисоб-китоблар туфайли рўй беради ва агар олиб ташланиши керак бўлган нарсадан воз кечилса, қўйилган мақсадга эришиладди. Ҳозир, қайта қуриш даврида зарур жадаллаштиришга эришишга умид боғлаб, ҳаётимизга халақит бераётган кўп нарсаларни итқитиб ташлаяпмиз, деб сўзида давом этди нотиқ. Лекин айни вақтда кўпинча жуда жиддий хатоларга йўл қўйяпмиз.

Синов майдонларидан узоқ бўлган бу залда, деди нотиқ, гоҳида ҳис-ҳаяжонлар ниҳоятда тўлиб-тошган шароитда қабул қилинган қарорлар учун масъулиятимиз қай даражада чуқурлигини бутунлай тасаввур этиш қийин бўлмоқда. Нотиқнинг фикрига қараганда, қабул этилаётган бир қанча туб қарорларга доир дастлабки ҳисоб-китобларнинг етишмаслиги жамиятимизнинг олга силжишида кутилган жадаллаштиришга олиб келмади.

Нотиқ съезд Президентни сайлаш тўғрисида қарор қабул қилишига умид билдирди. Бу ишни зудлик билан, сусткашлик қилмай бажариш керак.

Депутат **Н. А. Назарбоев**нинг фикрича, СССР Президенти лавозимини таъсис этиш тўғрисидаги мунозаралар бу борадаги фикрлар айрича эканлигини бутунлай ошкор қилди. Охир оқибатда, долзарб вазифаларни ҳал этиш билан боғлиқ масалаларни осонликча уддалаш мумкин бўлмаганидек, Президентсиз ҳам бугунги илматешикларимизни ямаб-ясқаш мумкин бўлур эди.

Биз, деди нотиқ, ҳозир кескин бўлиб турган шахсий ва умумхалқ хавфсизлиги, юзага келган ижтимоий танглликни тугатиш муаммоларини, гарчи бу ўз ўзидан фавқулодда муҳим бўлсада, бартараф этиш учунгина ишимизга ҳокимиятнинг янги механизмини киритишимиз керак. Президент бошқаруви шакли ортида мамлакатимизнинг бўлажак қиёфасини, қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимиятнинг оқилона нисбати фазилатларини, жамият қурилишининг адолатли, инсонпарвар, демократик чизгиларини кўришимиз юз маротаба муҳимроқдир.

Қозоғистон ССР Олий Советининг Раиси президент ҳокимияти ўзига хос кафолат бўлиши мумкин деган ишончни билдирди, чунки бу ҳокимият негизида давлат ҳокимиятнинг барча жиҳатларига бир бутун уйғунликни бахш эта олишга қодир асослар мавжуддир. Ушбу лавозимга аниқ номзод масаласига келганда, деди у, биз обрўси ва сиёсий раҳбарлиги ҳеч қандай шубҳа туғдирмайдиган Михаил Сергеевич Горбачев тарафдоримиз.

Шундан сўнг, нотиқ ўз фикрига кўра, СССР Президенти лавозимини таъсис этиш тўғрисида съезд муҳокамасига тақдим этилган Қонуннинг баъзи баҳсли жиҳатлари хусусида тўхталди. У ҳар бир иттифоқдош республикада президентлик ҳокимияти жорий этилишини таклиф қилди. Депутатнинг фикрига, кўра Қонунда президентлик кенгаши ва федерация кенгашининг вазифаларини янада аниқроқ белгилаб қўйиш зарур.

Навбатдан ташқари съезд иши, деб таъкидлади депутат **Р. Ф. Сафиуллин**, мураккаб даврда ўтмоқда. Қайта қуриш аниқ-равшан давлат аппаратининг, унинг айрим бўғинлари ҳамда мансабдор шахслар ношудлиги ва ҳатто нўноқлигини танқидий жиҳатдан кўрсатиб берди. Бошқарувчиларнинг жуда катта армияси, кўпинча бир-бирига зид идоравий турли-туман қоидалар ва фармойишларнинг кўплиги соннинг сифат жиҳатидан ўзгаришига кафолат бўла олмади. Шундай қилиб, бошқарув илми ўзлаштирилмай қолди.

Депутатнинг фикрига кўра, съезд муҳокама қилаётган масалалар жўн эмас. Унинг аҳамияти тилимиз учун янги атама — Президент, федерация кенгаши, Президент кенгаши ва шунга ўхшаш атамалар ҳисобига қайта қуришнинг сиёсий-ҳуқуқий луғатини бойитишдагина эмас. Бу ерда гап ҳокимиятни ягона иқтисодий сиёсат соҳасида ўзаро боғланган ҳолда ривожлантириш, қонун ва демократия ҳукмронлигини сўзда эмас, амалда бажариш ҳақида боряпти. Хусусан ҳозир президент лавозимини жорий этиш жуда зарур. Зотан, ҳамма ерда барқарорлик ва тартиб танқис бўлиб қолаётганлиги сёзилмоқда. Ҳуқуқий нигилизм кучаймоқда. Қайта қуришнинг ривожланиши янги ва янада мураккаб муаммоларни келтириб чиқармоқда. Бу муаммоларни кучли давлат ҳокимияти бўлган тақдирдагина ҳал этиш мумкин, деб таъкидлади нотиқ.

Биз СССРда давлат ҳокимиятининг тузилмаси, жамиятимиз сиёсий системаси тўғрисидаги мураккаб масалани ҳал этяпмиз, деди депутат **Ю. Н. Афанасьев**. Ва биз бу масалани афсуски, кўп қурбонлар берилиши билан жуда оғирлашган шароитда ҳал этяпмиз. Лекин бу ҳали муайян киши — М. С. Горбачевнинг фавқулодда ҳокимиятини қонунлаштириш тўғрисидаги масала ҳамдир. Биз, қайта қуриш ва қайта қуриш ташаббускорининг ўзи бунга муҳтожмизми? Айни вақтда масалани шоша-пиша ҳал этишга киришилмоқда.

Нотиқ регионлараро депутатлар группасининг йиғилишида тегишли қарорлар қабул этилганлигини маълум қилди. Уларнинг маъноси шундаки, регионлараро депутатлар группасининг аъзолари президентлик лавозими жорий этилишига салбий муносабат билдирдилар — ва съездда Президент сайланишига қатъий қарши чиқмоқдалар. Президент тўғрисидаги Қонун янги демократик Конституциянинг ягона таркиб топган яхлит матнига сингиб кетиши керак. Тугал бир фикр билдирилган матнсиз президентлик қийинчиликларимиз ва ташвишларимизни чуқурлаштирадиган хавфли номаълум бир нарсага айланади.

(Давоми учинчи бетда).

СССР КОНСТИТУЦИЯСИ (АСОСИЙ ҚОНУНИ)ГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАМДА СССР ПРЕЗИДЕНТИ ЛАВОЗИМИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари учинчи Съездида

А. И. ЛУКЬЯНОВ доклади

Депутат ўртоқлар!

СССР халқ депутатлари навбатдан ташқари учинчи Съездининг муҳокамасига сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни янада олға силжитишнинг, давлат ишларини бошқариш системасини мустаҳкамлашнинг, социалистик демократияни чуқурлаштиришнинг энг муҳим масалалари киритилмоқда. Съезд томонидан бу масалаларнинг ҳал этилиши совет конституцион тузумини ривожлантиришда, социалистик ҳуқуқий давлатни қарор топтиришда таг-заминли аҳамиятга молик ўзгаришлар кучайиб бора бошлашини билдиради.

Съездга бу қадар зудлик билан мурожаат этилишининг боиси нима? Мамлакатда бошланган демократик ўзгартишларни кучайтириш заруратими ёки қандайдир вақтинчалик манфаатни кўзловчи мулоҳазаларми? Олдимизда пайдо бўлган муаммоларга яраша иш кўриш истагими ёки ҳамма қабул этган жаҳон тажрибаси одатларига бир амаллаб мослашиш иштиёқими? Қайта қуришнинг ўз мантиқими ёки ҳозир мамлакат тушиб қолган вазиятнинг мураккаблигими? Бу саволларга қуйидагича жавоб бермоқчимиз: Олий Совет, мамлакат раҳбарияти шу жиҳатларнинг ҳаммасини ҳисобга олмасликлари мумкин эмас эди, албата, бироқ жамият тараққиёти объектив жараёнининг ўзи бизни режалаштирилаётган ўзгартишларга ҳаммадан кўра кўпроқ мажбур этди. Аввало, янги сиёсий муассасаларимиз ишини ҳали оз бўлсада, ҳар ҳолда биз орттирган тажриба билан янгилаш жараёнлари ички табиатининг ўзи шуни тақозо этмоқда.

Дарҳақиқат, айни ислоҳотлар жараёни бизни халқнинг тўла ҳокимиятли органлари бўлмиш Советларнинг ролини тубдан ошириш зарурлигига ундади ва шу муносабат билан КПСС фаолиятининг вазифалари ва усулларини, унинг жамият сиёсий системасидаги ўрнини ўзгартиришга олиб келди.

Айни ислоҳотлар жараёни бизни Конституцияда ва қонунларда мулкнинг ҳамма хилма-хил шаклларини тўлиқроқ ва аниқроқ акс эттириш, уларни ривожлантиришнинг тенг шароитларини таъминлаш, уларни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш керак, деган хулосага олиб келди.

Айни ислоҳотлар жараёни, бошланган ўзгартишлар чуқурлашган пайтда жамият дуч келган хилма-хил жараёнлар, шу жумладан СССР халқ депутатлари Съезди ва Олий Совети белгилаган катта-катта тадбирларни амалга оширишдаги камчиликлар бизни мамлакат президенти лавозимини таъсис этиш йўли билан қонунларни ва давлатнинг бошқа қарорларини ижро этиш воситасини мустаҳкамлаш заруратига олиб келди.

Шундай қилиб, гап сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, миллатлараро ва бошқа соҳалардаги қайта қуриш жараёнларини жадаллаштириш зарурлиги ҳақида бормоқда. Гап давлат ҳокимияти олий органларининг тузилиши ва вазифаларини янада аниқ белгилашга эҳтиёж зўрайганлиги ҳақида бормоқда. Охир оқибатда, гап ижтимоий организмнинг барча соҳаларини янгилаш, инсонпарвар, чинакам халқчил жамият барпо этиш йўли давом этишини нақадар самарали равишда таъминлай олишимиз ҳақида бормоқда.

Сиёсий ислоҳотнинг биринчи босқичи амалга оширилганлиги турмушимизнинг бутун муҳитини тубдан ўзгартирди. СССР халқ депутатлари Съезди ва Олий Совет қайта қуришнинг ҳуқуқий пойдеворини яратиш учун ишламоқдалар ва шу йўлда бир талай иш қилдилар. Республика ва маҳаллий Советларга ҳозир ўтказилаётган сайловда давлат ҳокимиятининг янгиланаётган органлари системасини вужудга келтириш жараёни ниҳоясига етмоқда. Совет федерациясини анчамунча ўзгартириш режалаштирилмоқда. У янги мазмун билан тўлдирилмоқда.

Мамлакатда ўнлаб янги ташкилот ва ҳаракатлар тузилди. Меҳнаткашларнинг сиёсий фаоллиги кескин ошди. Бу — қайта қуриш, демократиялаш, ошкораликнинг, ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг ижобий натижасидир.

Шу билан бирга кейинги вақтларда совет кишилари ижтимоий-иқтисодий вазият кескинлашганлигидан, режалаштирилган ислоҳотларнинг натижаси камлиги ва ҳатто бу режаларга тўсқинлик қилинаётганлигидан, миллатлараро заминдаги ўткир низолардан, оммавий тартибсизликлардан, жиноятчилик ошганлигидан тобора кўпроқ ташвишланаётганликлари сезилиб турибди. Муносиб давлат ва жамоат тартибини, гражданларнинг хавфсизлигини таъминлаш, иқтисодиётдаги аҳволни нормалаштириш, энг зарур ижтимоий, экологик ва бошқа муаммоларни ҳал этиш йўлида кескин чора-тадбирлар кўриш ҳақидаги талаблар тобора баралла янграмоқда.

(Давоми иккинчи бетда).

КЎКЛАМ МЕҲНАТГА ЧОРЛАЙДИ

XII БЕШ ЙИЛЛИК





Сабзавотчилик: ЕНГ ШИМАРИБ

Кўклам деҳқонни шоширяпти. Азалий одатга кўра деҳқон яна қадрдон далада. Серфайз далалар уни баҳорги экиш мавсумини яхши умид билан бошлашга чорламоқда. Сабзавоткорларнинг иши ҳам тобора қизғин тус олаётир. Улар эл дастурхонини тўкин-сочин этиш учун курашга отланганлар.

Китоб ноҳиясидаги Свердлов номли жамоа хўжалиги деҳқонларининг ҳам ғайрат-шижоати ўзгача. Хўжаликда пахтачилик билан бирга сабзавот экинларидан мўл ҳосил олиш йўллари қидирилмоқда. Айниқса, дуккакли экинлар етиштирилишига алоҳида эътибор берилмоқда. Сабзавоткорлар помидор етиштириш бўйича яхши натижаларни қўлга киритмоқдалар. Ўтган йили 102 гектар ердан 6500 тонна помидор ҳосили олинди. Даромад 812 минг сўмга етди. Бу йилги режалар қандай?

— ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг «Ер тўғрисидаги Қонун асослари» биз деҳқонларни янги марраларга чорлади, — дейди бригада бошлиғи Ҳайит Юсупов. — Қонун асосларида ерлардан фойдаланиш, унинг самарадорлигини ошириш, тузиладиган ўзаро шартномалар аниқ-равшан кўрсатиб берилган. Бу йил экин майдонимиз 46 гектар ерга кўпайган. Умуман хўжалигимиз бўйича помидор етиштиришдан бир миллион юз минг сўм даромад қилиш ниятимиз бор.

Шу боисдан ҳам ҳозир бригада аъзолари хўжалик ғалабасини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиш мақсадида алоҳида ғайрат-шижоат кўрсатиб ишламоқдалар.

Суратларда: (юқорида) мусобақа илғори, механизатор Тошпўлат Эгамназаров; Ҳ. Юсупов бошлиқ бригада даласида помидор кўчатлари экиш пайти.

Э. ҚУЛМУРОДОВ олган суратлар.

Уруғлик чигит: БАРВАҚТ ТАЙЁРЛАГАН ЮТАДИ

● Қашқадарё вилояти пахта тозалаш саноати ходимлари уруғлик чигит тайёрлашга алоҳида эътибор бермоқдалар.

Ишчилар томонидан шу кунгача 215 минг тоннадан зиёдроқ уруғлик чигит тозаланди. Унинг 113 минг тоннаси дориланди. 80 процент биринчи ва иккинчи класс уруғлик тайёрланди.

Уруғлик чигитни барвақт тайёрлашда Бешкент, Яккабоғ, Қамаши пахта тозалаш заводлари ишчиларининг ғайрат ва шижоати таҳсинга сазовордир.

К. МУСАЕВ.

Чорвачилик: ЛАФЗИ ҲАЛОЛЛАР

● Пскент районидаги «Партия XXVI съезди» совхози чорвадорлари йилнинг дастлабки уч ойлик режаларини муддатидан илгари адо этдилар.

Хўжалик фермасидаги мавжуд 700 бош соғин сигирларнинг ҳар биридан кунига 9—10 килограммдан сут соғиб олиниб, давлатга 1800 тонна сут етказиб берилди. Шунингдек, 130 тоннадан кўпроқ гўшт етиштирилди.

Бундай қувончли ютуқни қўлга киритишда чорва жонкуярларидан Холбуви Рисбекова, Бувиниса Эргашева, Насиба Ортиқоваларнинг муносиб улушлари бор.

У. МУҲАМЕДОВ.

● «Партия XXII съезди» колхози чорвадорлари Поп районида биринчи бўлиб давлатга бўрдоқи гўшти сотиш уч ойлик режаларини ортиғи билан бажардилар. Тайёрлов пунктига 40,3 тонна гўшт етказиб берилди. Гўштга топширилган молларнинг тирик вазни 350 килограммдан ортиқ.

Беш йилликнинг якунловчи йилидаги дастлабки ютуқнинг таъминланишида бўрдоқибоқарлардан Жуманбой Райимқулов ва Қўчқорбой Қосимоваларнинг ҳиссалари баракали бўлди. Шу кунларда бўрдоқибоқарлар 250 бош новвосни сўқимга боқмоқдалар. Уларнинг мақсади КПСС XXVIII съезди очилладиган кунгача етти ойлик гўшт тайёрлаш режасини бажаришдир.

С. ҚУЧҚОРОВ.

СССР Министрлар Советида

СССР Олий Советининг «Совет немислари ва қрим татар халқи муаммолари комиссиясининг хулосалари ва таклифлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ СССР Министрлар Совети қрим татар халқининг муаммолари юзасидан тузган давлат комиссиясининг мажлиси бўлди. Давлат комиссиясининг таркибига Украина ССР, РСФСР ва ҳозирги вақтда қрим татар аҳолисининг кўпчилиги яшаб турган бошқа иттифоқдош республикалар Министрлар Советларининг, марказий иқтисодий идоралар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг масъул ходимлари, СССР Олий Совети Миллатлар Советининг тегишли комиссияси ишида қатнашаётган СССР халқ депутатлари, шунингдек мамлакатнинг турли районларидаги қрим татарлари жамоат ташкилотларининг вакиллари киритилган.

Давлат комиссиясининг раиси, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари В. Х. Догужиев комиссиянинг СССР Олий Совети қароридан келиб чиқадиган вазифаларини таърифлаб берди. Қрим татарларини кўчириш масалалари юзасидан вазмин қарорлар ишлаб чиқиш ва бу қарорлардан қайтиб келаётган оилаларнинг ҳам, шунингдек, ҳозирги вақтда Қрим областида яшаб турган аҳолининг ҳам манфаатларини эътиборга олиш, шу тариқа миллий низоларга йўл қўймаслик зарурлиги таъкидланди. Июнь ойида қрим татарларини ихтиёрий равишда Қрим областига ташкилий қайтаришнинг комплекс дастури тайёрланиши, унда унинг миқёсларини, муддатларини, зарур моддий ва молиявий ресурсларни асослаб бериш лозим. Кўчиб келадиган оилаларни янги жойларда жойлаштириш учун нормал шароит яратмай туриб, ноташкилий кўчишга қисташ қрим татарлари муаммосини одилона ҳал этишга кўмаклашмаслигини комиссия аъзолари уқтириб ўтишди.

Комиссия Украина ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, комиссия раисининг ўринбосари А. С. Статиновнинг ва Қрим область ижроия комитети раисининг ўринбосари А. И. Балагуранинг қрим татарларини кўчириш учун шароит яратиш ва янги иш жойларини вужудга келтириш, ер участкалари ажратиш, турар жой, ишлаб чиқариш ва ижтимоий ёрдамчи муассасалар объектлари, маориф ва соғлиқни сақлаш объектлари қуриш, миллий маданиятни ривожлантириш масалаларини ўз ичига оладиган комплекс дастур лойиҳасини ишлаб чиқиш соҳасида Украина ССР ҳукумати билан Қрим область ижроия комитети қилаётган ишлар тўғрисидаги ахборотни тингладди.

Комиссия иш группасини тузди, бу группа яқин вақт ичида комплекс дастурни тузишга оид таклифларни ўз жойида пухта ишлаб чиқиш учун яқин вақт ичида Киев шаҳрига ва Қрим областига жўнаб кетади. Биринчи навбатда ҳал этилиши лозим бўлган вазифалар доирасини белгилаб олиш назарда тутилмоқда.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Ў. Р. Умарбеков қрим татарларининг миллий маданиятини ва маорифини ривожлантириш муаммоларини ҳал қилиш юзасидан республикада амалга оширилаётган тадбирлар ҳақида маълумот берди.

Мажлисда давлат комиссиясининг ишида СССР Олий Совети Миллатлар Советининг миллий сиёсат ва миллатлараро муносабатлар комиссияси билан ўзаро алоқани йўлга қўйишга, қрим татарларининг муаммолари ҳал этилаётганлиги ҳақида холисона ахборот тайёрлашга эътибор жалб этилди.

Давлат комиссияси тўғрисидаги низом лойиҳаси кўриб чиқилди. 1990 йилнинг биринчи ярмига мўлжалланган иш режаси белгиланди ва унинг фаолиятини ташкил этишга оид бошқа масалалар муҳокама қилинди.

СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари учинчи Съезди

СССР КОНСТИТУЦИЯСИ (АСОСИЙ ҚОНУНИ)ГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАМДА СССР ПРЕЗИДЕНТИ ЛАВОЗИМИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Вужудга келган вазиятнинг чуқур сабаблари биз бошдан кечираётган тарихий пайтнинг руҳи билан бевосита боғлиқдир, бу пайтда ўтмишдаги буйруқбозлик-маъмуриятчилик тартиблари ва шу тартибларга мос келадиган сиёсий структураларга барҳам берилмоқда, замон талабига мос келадиган янги тартиб ва структуралар эса ҳозирча эндигина вужудга келмоқда. Рўйрост айтамизки, уларга ҳамон кўпдан-кўп қаршилик қилинмоқда.

Бу борада кутилмаган ҳеч нарса йўқ. Бинобарин бу ўринда гап ўтиш даврининг қийинчиликлари ҳақидагина бораётгани йўқ. Гап аввало неча ўн йиллар давомида мамлакатдаги сиёсий, иқтисодий, маънавий-ҳақиқий бутун ҳокимият партия қўлига, унинг барча поғоналарига мансуб комитетлари қўлига тўпланганлиги ҳақида бормоқда. КПССнинг бундай мавқеи сиёсий структураларга, барча поғоналардаги раҳбарлар ва аппаратнинг аҳвол-руҳиятига, ижтимоий онгга сингиб кетган эди. Мана шу тасаввурлар, одатлар ва анъаналардан чекиниш ҳам вақтни, ҳам кўп куч-ғайратни, ҳам янги кадрларни талаб қилади. Бунинг сабаби равшан. Бироқ ҳаммаси йиғилиб, ҳуқуқий давлатнинг ўзагини ташкил этувчи ҳамма муассасалар, қонунлар, тартиб-қоидаларни қисқа вақтда вужудга келтириш амримаҳолдир. Бу — зўр бериб қонун чиқарувчилик фаолияти билан шуғулланишнигина эмас, шу билан бирга жамиятнинг сиёсий маданиятини ривожлантиришни ҳам талаб қиладиган узоқ давом этадиган жараёндир. Ҳуқуқий инкорчилик, шахс ҳуқуқларини менсимаслик ва ҳокимиятга ишончсизлик бизда чуқур илдиз отганлиги учун ҳам шундай қилиш керак. Ҳаддан ошиш ва миллий мутаассибликнинг авж олиши, бутун-бутун ижтимоий гуруҳларнинг ибтидоий алдам-қалдамларга кўнгилчанг ишонавериши, бошбошдоқлик кўринишлари, ижтимоий ва бошқа низоларни тинчитишнинг ғайриманаданий, зўравонлик шаклари кўп жиҳатдан айни мана шундан келиб чиқади. Одамларнинг турмуши ва аҳвол руҳиятига асоратли юк бўлиб тушаётган тартибсизликлар, хатарли жараёнлар, зўриқишларнинг манбаи айни мана шундадир. Мана шуларнинг ҳаммаси эса жамиятни пишиқ-пухта, барқарор ва эпчил идора этишни талаб этади.

СССР Халқ депутатларининг навбатдан ташқари съездига маълум қилиш топширилган таклифларни мазкур мураккаб муаммолар мазмунини ҳеч кечиктирмай ҳал этиш зарурати тақозо этган.

Келинглар, қайта қуришнинг воситаси ва мақсади нима, деган саволни ўзимизга ўзимиз бериб кўрайлик. Ўйлайманки, ҳаммамиз бир овоздан: бу халқ фаровонлигини ошириш билан бирга аввало демократияни чуқурлаштириш, деб жавоб қайтарамиз. Бу соҳадаги бош йўл белгилаб берилган, у ҳам бўлса: халқнинг ўзини ўзи бошқариши пойдевори бўлган, халқнинг тўла ҳокимияти ва суверен иродасини амалга оширувчи органлар бўлган халқ депутатлари Советларининг ролини оширишдир. Шунга биноан Конституцияда КПССнинг ўрнини янгича белгилаш, иккинчи томондан эса асосий қонунга жамиятимизнинг сиёсий турмушида ҳаракат қилаётган турли жамоат ташкилотларининг мавқеини ёзиб қўядиган вақт келди.

Партиянинг XIX Бутуниттифоқ конференцияси давлат ҳокимияти ва бошқаруви идораларининг вазифаси билан шуғулланишдан батамом воз кечиш кераклигини қатъий қилиб айтганлиги, партия комитетлари ўзларига хос бўлмаган маъмурий-хўжалик вазифаларини ўз зиммаларига олишдан иборат неча ўн йиллар давомида сақланиб келган практикани рад этганлиги маълум. КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастурининг умумхалқ муҳокамасига қўйилган лойиҳасида қайд этилишича, партия ҳокимиятни таҳо қўлда сақлаб қолишни даъво қилмайди ва жамиятимизни янгилаш тарафдори бўлган ҳамма кучлар билан сиёсий мулоқотга, ҳамкорликка тайёр. У мамлакатда янги сиёсий партиялар, турли жамоат ташкилотлари ва ҳаракатлари пайдо бўлиши эҳтимоли нақадар аниқлигини жуда яхши англаб турибди. СССР Конституциясининг 6 ва 7-моддаларига таклиф этилаётган ўзгартишлар айни шунга асосланади. Партия Марказий Комитети қонун лойиҳаси таклиф этиш тартибида шу ўзгаришларни съездимиз муҳокамасига қўймоқда.

Бу таклифларнинг моҳияти шундан иборатки, барча партия, жамоат ташкилотлари ва оммавий ҳаракатлар Конституция ва совет қонунлари доирасида ҳаракат қилишлари, халқ депутатларига сайланган ўз вакиллари орқали ва бошқа шаклларда давлат сиёсатини ишлаб чиқишда ҳамда давлат ва жамоат ишларини идора қилишда фаол қатнашишлари учун уларга тенг имкониятлар яратилишига кафолат берилиши керак. Шу билан бирга лойиҳада совет конституцион тузумини ва социалистик давлатнинг яхлитлигини зўравонлик билан ағдариб ташлаш, унинг хавфсизлигини қўпориш мақсадини кўзлайдиган, ижтимоий, миллий ва диний адоватни кучайтириш билан шуғулланадиган партиялар; бошқа ташкилот ва ҳаракатлар тузилишига йўл қўйилмаслиги таъкидланади.

Шундай қилиб, СССР Асосий қонуни мазкур моддаларининг янги таҳрири демократияни янада ривожлантириш билан, жамияти мизда сиёсий фикрларнинг хилма-хиллигини қарор топтириш билан, халқ оммасининг бошқарув барча соҳаларидаги иштирокини кенгайтириш билан бевосита боғланган.

Конституциянинг 10, 11, 12, 13-моддаларига ҳам туб ўзгаришлар киритиш таклиф қилинади, бу моддалар совет иқтисодий системасининг асосий элементларини белгилаб беради. Яқинда халқ депутатлари иккинчи съездининг топшириғига биноан қабул қилинган Мулкчилик тўғрисидаги Қонун ва Ер тўғрисидаги Қонун асослари бу янги қоидаларнинг манбаи бўлди. Уларнинг бош мақсади ходимнинг ишлаб чиқариш воситаларидан бегоналашувини тугатишдан, мулкнинг турли-туман шаклларини мустаҳкамлаш ва рағбатлантиришни имкони борича таъминлашдан, одамларнинг хўжалик соҳасидаги ташаббусини жонлантиришдан иборат.

Бу соҳада совет гражданларининг мулки тўғрисидаги конституцион қоидалар биринчи ўринга чиқариб қўйилганлиги, бу мулкда истеъмол мақсадларига мўлжалланган мол-мулкдан ташқари ишлаб чиқариш мақсадларига мўлжалланган ҳар қандай мол-мулк ҳам бўлиши (мол-мулкнинг гражданлар сотиб олишига йўл қўймайдиган айрим турлари бундан истиснодир) мумкинлиги кўрсатилганлиги, деҳқончилик хўжаликлари конституцион кафолот олиши, бунда уларга бериб қўйиладиган ер участкалари умрбод ва мерос қилиб қолдириладиган мол-мулк бўлиши алоҳида аҳамиятга эгадир. Асосий қонунда хўжалик юритишнинг коллектив ва ижара корхоналари, кооперативлар, ширкатлар каби шакллари, жумладан гражданларнинг ихтиёрий бирлашуви асосида тузиладиган ширкатлар кўзда тутилади. Давлат мулки таркибида умумхалқ мулкини, республикаларнинг мулкини, автоном тузилмаларнинг ва маъмурий-территориал бирликларнинг мулкини мустаҳкамлаб қўйиш таклиф этилади.

Шу тарика социалистик бозорни тузиш учун зарур иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий шарт-шароитлар яратилади, биз иқтисодиётимизни юксалтириш, халқ учун таққиромуз тақчиликларни тугатиш хусусидаги умидларимизни социалистик бозор билан боғламоқдамиз.

Бинобарин, бизнинг съездимиз мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий турмушида рўй бераётган туб ўзгаришларни конституцион йўл билан расмийлаштириши лозим. Башарти, биз бу ўзгаришларни амалга оширмоқчи бўлсак, албатта, улар ўз навбатида совет давлатига раҳбарликни ташкил этишга янгича ёндашишни, мавжуд механизмдан кўра, кам деганда, бир поғона самаралироқ амал қиладиган бошқарув механизмини таъминлашни талаб қилади.

Давлат идораларининг вазифалари изчил, фарқлаб қўйилмаслиги, ҳуқуқ доираси аниқ белгиланмаслиги, уларнинг ҳуқуқлари билан масъулият даражаси ўртасидаги тафовут — мана шуларнинг ҳаммаси давлат ҳокимиятининг ҳозирги шароитда жуда зарур бўлган таъсирчанлигини пасайтиради. Боз устига, бу нарса марказий идораларнинг ишига айниқса кучли таъсир қилади.

Ҳозир амалий жиҳатдан олганда айни шу бўғин энг заиф бўлиб чиқди. Сиёсий ислоҳотнинг энг яқин орада эришиш мўлжалланган мақсадлари ҳам деярли ҳамма нарсани ва деярли дарҳол — республикаларнинг ҳақиқий қарамсизлигини ҳам, регионларнинг мустақиллигини ҳам, маҳаллий Советларнинг янги ҳуқуқларини ҳам, корхоналарнинг эркин ташаббусини ҳам, ижтимоий уюшмаларнинг қонунлаштирилган фаолиятини ҳам, бошқа кўп нарсаларни ҳам назарда тутади, аммо самарали ва эпчил ишлайдиган марказнигина кўзда тутмаслигини алоҳида таъкидламоқ керак.

Чет элларда мавжуд бўлган ва ўзимиз орттирган тажриба шуни тасдиқлайди: масъулиятдан ташқарида демократия бўлмаганидек, ўзини ўзи бошқариш, маҳаллийлаштириш фақат кучли, қатто эпчил иш кўрадиган, жипслаштирадиган ва мувофиқлаштирадиган марказий ҳокимият мавжуд бўлган тақдирдагина ўзининг ижобий имкониятларини чинакамига рўёбга чиқара олади. Бу борада биз Ленининнинг «коллегиячилик қандай зарур бўлса, сансалорлик бўлмаслиги учун, жавобгарликдан қочиш мумкин бўлмаслиги учун, якка шахснинг жавобгарлиги ва якка шахснинг бошқариши ҳам шундай зарурдир» деган маслаҳатидан ғоят ўринли равишда фойдаланишимиз мумкин.

Айни мана шу мулоҳозалар партия бевосита давлат ва хўжалик бошқаруви қуроли ролини ўйнашни бас қиладиган, шу бошқарувнинг ўзи эса партия структураларидан давлат механизми структураларига кўчадиган шароитда амал қилиши лозим бўлган ҳокимият муносабатларининг аниқроқ системасини яратиш учун ҳамма чора-тадбирларни зудлик билан кўриб чиқиб, қабул этиш лозим, деган хулосага олиб келмоқда.

Шу муносабат билан мамлакат Конституциясига қонун йўли билан давлатнинг якка бошлиғи — ССР Иттифоқи Президенти лавозимини таъсис этадиган ўзгартишлар лойиҳаси эътиборингизга ҳавола қилинмоқда. Бунда қайта қуриш ўзининг энг нозик босқичига кўтарилган даврда совет давлатчилигини такомиллаштиришнинг таркибий қисми бўлмиш президентлик тартиб-қоидасининг жорий этилиши бутун ҳокимият механизмининг самарадорлигини, мамлакатдаги барқарорлик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботнинг самарадорлигини қатъиян ошириш воситаси бўлиб хизмат қилиши керак.

Бизнинг давлатимиз каби бепоён, кўп миллатли ва ранг-баранг давлатда, демократиялаш ва маҳаллийлаштириш чуқурлашиб бораётган вазиятда жамиятни жипслаштириш, айниқса, муҳимдир. Давлат раҳбариятининг янгиланаётган механизми аввало шунга кўмаклашмоғи керак, бу раҳбариятнинг ишларида ички ва ташқи сиёсат, стратегик йўл-йўриқлар ва шу йўл-йўриқларни амалга ошириш соҳасидаги амалий иш мужассамлашиб, яхлит бир ҳаракатга айланмоғи керак.

СССР Президенти ўзининг бутун амалий иши билан турли ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар ўртасида ҳамжиҳатлик ва ижтимоий мулоқотни ривожлантириш учун шароит яратиши, мамлакатда инсоний тинчлик ва миллатлараро иноқликни таъминлаши, шунингдек, фавқулодда вазиятларда — урушларда, низоларда, табиий офатларда, ижтимоий осойишталик ва ижтимоий тартиб жиддий равишда бузилган ҳолларда олий ваколатлар соҳиби бўлган ташкилотчи ва мувофиқлаштирувчи арбоб бўлиб иш кўриши керак.

Айни вақтда бизда президент лавозими таъсис этилган тақдирда ҳам СССР халқ депутатлари Съезди давлат ҳокимиятининг олий органи бўлиб, СССР Олий Совети қонун чиқарувчи, ҳукумат ижрочи-бошқарувчи орган бўлиб қолаверишини таъкидламоқ керак. Президент эса қонун чиқарувчилик ва ижрочилик фаолиятини ўзаро боғлайдиган мустаҳкам бўғин бўлиб қолади. Натижада ягона совет давлат ҳокимиятининг вазифалари олий даражада ташкилий жиҳатдан янада мустаҳкамланади, қонунларни ва ваколатли органларнинг бошқа қарорларини рўёбга чиқаришнинг қўшимча кафолатини олади.

Мамлакатимиздаги президентлик ҳокимияти изчил халқпарвар, совет тусида бўлиши керак ва шахсий ҳокимият ўрнатилиши эҳтимолини соқит қилибгина қолмай, шу билан бирга Конституциямизнинг халқчил негизларини пухта ҳимоя қилиши ҳам лозим. Съезд муҳокамасига ҳавола этилган Қонун лойиҳаси шунга асосланадики, Совет давлатига нуфузли қонун чиқарувчи органлар ҳам, кучли президент ҳам, сергайрат ҳукумат ҳам, мустақил суд ҳам керак.

Шу муносабат билан президент лавозимининг таъсис этилиши шахсий якка ҳокимият режими ўрнатилишига олиб боради, деб баъзи бировлар авж олдираётган шубҳа-гумонлар учун ҳеч қандай асос йўқ. Бундан ташқари тақдим этилган лойиҳада мана шундай тенденцияларга қарши кафолатларнинг бутун бир системаси баён этилган. Хўш, нималар ҳақида гап боряпти?

Биринчидан, президент СССР гражданларининг умумий яширин овоз бериш йўли билан сайланишини белгилаб қўйиш таклиф этилади. Шу билан бирга, номзод сайланиш учун сайловда қатнашган сайловчилар овозларининг ярмидан кўпроғини умуман Иттифоқ бўйичагина эмас, шу билан бирга камида кўпчилик иттифоқдош республикаларда ҳам олган бўлиши керак. Республикалар аҳолисининг сони жуда хилма-хил бўлган бизнинг федератив давлатимиз учун бу — муҳим масала. Биринчи президентни сайлашга келганда, уни СССР халқ депутатларининг Съездида, яъни ҳозир мамлакатимизда мавжуд бўлган энг ваколатли демократик анжуманда муқобиллик асосида сайлаш назарда тутилади.

Иккинчидан, Конституцияда бир кишининг ўзи президент лавозимини икки муддатдан ортиқ эгаллаши мумкин эмаслигини белгилаб қўйиш таклиф этилади. Президент лавозимига номзодларнинг энг катта ёши ҳам чекланади.

Учинчидан, лойиҳада президент халқ депутатлари Съездининг назорати остида бўлиши аниқ белгилаб қўйилган, халқ депутатлари Съезди президент СССР Конституциясини ва қонунларини бузган тақдирда уни муддатидан олдин чақириб олишга ҳақлидир.

Тўртинчидан, лойиҳа президентнинг ваколатлари Конституция ва қонунлар билан белгиланишига асосланади, Конституция ва қонунларни эса фақат халқ депутатлари Съезди ва СССР Олий Совети қабул қилиши мумкинлиги маълум. Президент эса қонунлар асосида ва шу қонунларни ижро этиш йўлида ҳаракат қилишга мажбурдир.

Ниҳоят, бешинчидан, халқ депутатлари Съезди президентнинг фармонларини бекор қилишга ҳақли бўлади. СССР Конституцион назорат комитети эса бу фармонларнинг қонунийлиги устидан назорат қилишга мажбурдир.

Баъзан президент лавозимининг таъсис этилиши ҳокимият ваколатли органларининг роли камситилишини билдиради, деган фикрларни эшитиш мумкин. Бундай эмас. Қонун лойиҳасида ҳозирги вақтда съезд ва СССР Олий Совети соҳасига киradиган қандайдир ваколатларни президент ихтиёрига ўтказиш кўзда тутилмайди. Съезд илгаригидек ССР Иттифоқи ихтиёридаги ҳар қандай масалани ўзи кўриб чиқиши учун қабул қилиши ва ҳал этиши мумкин. Бунинг устига президентлик лавозими энг аввало съезд ва СССР Олий Советининг қарорлари янада фаолроқ амалга оширилиш учун таъсис этилади. Айни пайтда президент амалга оширадиган барча ишлар олий ваколатли органлар кўз ўнгида ва назоратида бўлади. Президент зиммасига ҳар йили съездга мамлакатдаги аҳволга доир маълумотномаларни тақдим этиш, шунингдек ички ва ташқи сиёсатнинг энг муҳим масалалари тўғрисида СССР Олий Советини хабардор қилиш мажбурияти юкланади.

Президент лавозимини таъсис этиш тўғрисидаги муноза ра чоғида бундай қадам федерациямизни янгилаш вазифаларига, иттифоқдош республикалар суверенитети ва совет Автономияси гарантияларини мустаҳкамлашга зид эмасми, деган савол бир неча бор ўртага қўйилди. Маълумки, бу — ғоят мураккаб ва қийин жараён. Бу борада ҳам президент ваколатлари биринчи галда республикалар суверенитетини мустаҳкамлашда, уларнинг территориал яхлитлигини ва конституцион ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ижобий, бунёдкорлик ролини ўйнаши лозим. Шуни таъкидлашни истардим, ўртоқлар. Афтидан, айни президент иттифоқ шартномасини янгилашнинг асосий ташаббускори ва унга риоя этиш кафолати бўлади. У миллатлараро низоларда ҳакамга айланади, можаролар ва келишмовчиликларни ўз вақтида, айни пайтда сиёсий ва ҳуқуқий усуллар билан ҳал этишга кўмаклашади.

СССР Президенти ҳузурида федерация кенгаши сингари муҳим органни ташкил этиш иттифоқдош республикалар ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлаш мақсадларига хизмат қилишга даъват этилган. Мазкур кенгашда ҳар бир иттифоқдош республикадан унинг олий давлат раҳбари вакил бўлади. Кенгаш ўз куч-ғайратларини федерациямизни ривожлантириш ва совет давлати миллий сиёсатини амалга ошириш муаммоларини кўриб чиқишга, умумиттифоқ аҳамиятга молик масалаларни ҳал этишда республикалар иштирокини таъминлашга сарфлаши назарда тутилади. СССР Конституциясининг иттифоқдош республика, ССР Иттифоқи ихтиёридаги тегишли масалаларни жумладан, федерация кенгаши орқали ҳал этишда қатнашади, деб белгилаб қўйилган 77-моддасига ҳам тегишли аниқликлар киритилади.

Маълумки, СССР Олий Советининг сессиясида ҳам, оммавий ахборот воситаларида ҳам неча бор умуман мамлакатнинг миллий давлат тузуми янгиланишидан аввал СССР Президенти лавозимини таъсис этиш мақсадга мувофиқми? — деган хавотирлик билдирилди. Аммо бу умумий масала бўлиб, уни ҳал этиш билан марказий органлар ҳам, республика органлари ҳам шуғулланишлари зарур. Буни президентликни жорий этиш билан боғлаш мумкинми? Шунга асосланиш керакки, президент, шубҳасиз, мамлакат федератив тузумининг янги асосларини пухта ишлаб чиқишда муҳим роль ўйнайди, бу эса биз аввалги съездда келишиб олганимиздек, СССРнинг янги Конституциясининг тайёрлаш билан ғоят мустаҳкам боғлангандир. Айни пайтда СССР Президентининг вазифалари ва ваколатлари, лойиҳага биноан, умумиттифоқ тусига эга бўлади ва қандайдир республика органларининг имтиёзларини камситмайди. Юқорида айтиб ўтган фикримизга фақат шуни қўшимча қилиш мумкинки, жаҳон практикасида кўпгина федерациялар бўлиб, уларда айни президент давлат бошлиғи бўлганлиги ҳамда у умуман федерация ва унинг ҳар бир қисми ҳуқуқларига риоя этилишининг ҳамма эътироф этган кафолати эканлиги маълум.

Президент муассасасининг жорий этилиши бу ерда ҳам СССР Министрлар Советининг ваколатини чеклаши мумкин демоқдалар. Бундай нуқтаи назар тарафдорларининг фикрини рад этишга тўғри келади. Ҳукуматнинг ваколати амалда ўзгармай қолади. Фақат, бирдан-бир янги жиҳат бўлиб, у ҳукуматнинг ўз фаолияти учун масъулиятини оширишдан иборат. Шу муносабат билан Министрлар Совети ўз иши тўғрисида ҳар йили СССР Олий Совети ҳузурида ҳисоб беribгина қолмай (бу амалдаги норма), шу билан бирга бу ҳақда Президентни мунтазам хабардор қилиб туриши лозим. Айни пайтда СССР ҳукумати, министрликлар ва давлат комитетлари СССР қонунлари билан бир қаторда ўз фаолиятида Президент фармонларига амал қилишлари шарт эканлигини белгилаб қўйиш таклиф этилади. Президент министрларни тайинлаш ҳуқуқига эга бўлади. Табиийки, шундан кейин улар СССР Олий Совети тасдиғига тақдим этилади.

СССР Президенти ҳузурида ташкил этиш мўлжалланаётган яна бир орган муҳим давлат ваколатлари билан таъминланади. Бу — президент кенгашидир. Кенгашнинг асосий вазифаси, СССР ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини рўёбга чиқариш, мамлакат хавфсизлигини таъминлашга доир тадбирларни ишлаб чиқишдан иборат. Президент кенгаши аъзоларини Президент тайинлайди, СССР Министрлар Советининг Раиси эса ўз лавозимига кўра кенгаш составига киради.

Шу йўл билан Президент ваколатларининг ижроия-бошқарув фаолияти билан мустаҳкам боғлиқ бўлиши, бу фаолиятни ҳукумат бошлиғи назорат қилиши таъминланади. Айни шу ерда, президент кенгашида, афтидан, СССР халқ депутатларининг Съезди маъқуллаган иқтисодий программани амалга оширишнинг энг муҳим масалалари муҳокама қилинади, мазкур программа амалга оширилиши тўхтаб қолмаслигига, барча даражаларда кадрлар масъулияти сустлигига қатъиян барҳам берилишига қаратилган тадбирлар кўрилади. Айни президент кенгаши ҳокимиятнинг олий ваколатли органлари белгилаб берадиган ташқи сиёсий йўлни, социалистик ғалабалар мустаҳкам ҳимоя қилинишини таъминлашга оид барча ишларни амалга оширишнинг асосий ташкилотчиси бўлади.

Депутат ўртоқлар, шуни эслатиб ўтишни истардимки, ҳокимият олий бўғинини ислоҳ қилишнинг дастлабки босқичидаёқ жамоат доиralарида ва илмий адабиётда, газета ва журналларда Президент лавозимини таъсис этиш тўғрисида ва унга бериладиган ваколатлар ҳақида қизғин мунозаралар олиб борилди. Ҳозир эса кўпгина депутатлар, сиёсатчилар, ҳуқуқшунослар бундай лавозимни қўллаб-қувватлаб, давлатнинг олий мансабдори масалан, халқ депутатлари Съездларини ва сессияларни тайёрлашга раҳбарлик билан, парламентда раислик қилиш билан боғлиқ кундалик вазифаларни бажармаслиги лозим эканлигига эътиборни қаратмоқдалар. Ана шу барча мунозараларнинг кўпгина жиҳатлари қўлингиздаги қонун лойиҳасига асос бўлди. Лойиҳани СССР халқ депутатлари группаси етакчи ҳуқуқшунос олимлар ва бошқа мутахассисларнинг фаол иштирокида тайёрлади. Лойиҳани икки марта СССР Олий Совети Президиуми кўриб чиқди, у СССР Олий Совети палаталари доимий комиссиялари ва комитетларининг мажлисларида ҳар томонлама муҳокама қилинди. Президент лавозимини таъсис этиш тўғрисидаги таклифни СССР Олий Совети аъзоларининг кўпчилиги қўллаб-қувватлади. Олий Совет эндиликда Съездга тақдим этилган қонун лойиҳасини асос сифатида қабул қилди. Дастлабки лойиҳага кўпгина ҳолларда СССР халқ депутатлари асосий ташаббускорлари бўлган тузатишлар ва қўшимчаларнинг катта қисми киритилди.

Бу ерда тақдим этилган лойиҳанинг қайси қоидаларини алоҳида таъкидлашни истардик? Сизлар, эҳтимол, Президентга СССР Конституциясининг махсус бобини бағишлаш кўзда тутилаётганига эътибор берган бўлсангиз керак. Унда Президентни сайлаш тартиби, унинг ваколатлари ва масъулияти, бошқа давлат органлари билан ўзаро муносабати белгилаб берилади. СССР Президенти давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий органларининг мустаҳкам ҳамжиҳатлигини таъминлашга, ички ва ташқи сиёсатни амалга оширишни ягона ўзанга бирлаштиришга даъват этилганлиги ана шу ваколатларнинг негизини ташкил этади. Совет Президентининг бундай мувофиқлаштирувчи фаолияти унинг энг асосий вазифаларидан бири бўлади ва бу эса, яна бир бор такрор айтаманки, бутун давлатимизнинг иш усуллари самарадорлигини анча оширади.

Совет гражданларининг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш — Президентнинг биринчи даражали вазифаларидандир. Президент ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикалар суверенитетини, мамлакат хавфсизлиги ва территориал бутунлигини муҳофаза қилишга, миллий давлат тузуми принципларини рўёбга чиқаришга доир зарур чораларни кўриши шарт. Президент мамлакат ичкарисида ва халқаро муносабатларда ССР Иттифоқининг вакилидир.

СССР Президентининг асосий вазифалари лойиҳанинг 127³-моддасида белгилаб берилган. У ана шу вазифаларнинг ҳар бирини бажариш учун тегишли ваколатларга, жумладан қонун чиқариш ҳуқуқига эга бўлади. Президент ана шу ҳуқуқга асосланиб, қонун чиқариш жараёнига фаол таъсир кўрсатиши, иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш соҳасида қонун ҳужжатлари қабул қилинишинигина эмас, шу билан бирга ҳамма жойда ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш учун, пинҳона иқтисодиётнинг сурбет бошлиқларига, чайқовчиларга, порахўрларга ва бошқа жиноятчи унсурларга қарши курашни жадаллаштириши мумкин.

СССР Президентига жаҳон практикасида «тақиқлаш ҳуқуқи» сифатида маълум бўлган алоҳида ҳуқуқ бериш мўлжалланмоқда. Мазкур ҳуқуққа мувофиқ Президент СССР Олий Совети қабул қилган қонунга имзо чекмаслиги ва уни икки ҳафталик муддат ичида ўз эътирозлари билан такрорий муҳокама қилиб, овозга қўйиш учун қайтариб юбориши мумкин. Президент тақиқлашига йўл қўймаслик учун СССР Олий Совети илгари ўзи палаталарнинг ҳар бирида кўпчилик бўлиб, овозларнинг учдан икки қисми ёқлаб қабул қилган қарорни тасдиқлаши талаб қилинади. Агар бу содир бўлса, Президент қонунни ё имзолайди ёки масалани СССР халқ депутатлари Съездига кўриб чиқиш учун тақдим қилиши мумкин.

Президентнинг давлат ҳокимияти олий бўғинларидаги турли тузулмалар ўртасидаги можароларни бартараф этишдаги иштироки — биз учун янги масаладир. Агар мисол учун, Иттифоқ Совети билан Миллатлар Совети ўртасида оддий тартибда бартараф этиб бўлмайдиган ихтилофлар вужудга келса, Президент мақбул қарорни ишлаб чиқиш мақсадида баҳсли масалани кўриб чиқиш ваколатига эга бўлади. Агар бунда давлат ҳокимияти олий органларининг нормал фаолиятида ва бошқарувда бузилишлар хавфи аён бўлиб қолса, Президент халқ депутатлари Съездига янги составда Олий Совет сайланиши тўғрисидаги таклифни киритишга ҳақлидир. Бу хилдаги ваколатлар — дарвоқе, бундай ваколатлар жаҳон парламент практикасида ҳам бор — олий давлат раҳбариятининг барқарорлиги ва самарадорлигини таъминлашга қаратилган.

Гражданлар ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиш кафолати бўлиб майдонга чиқадиган Президент ҳукумат қарорлари конституция нормаларига тўғри келмаса уларнинг амал қилишини тўхтатиб қўя олади, тегишли республика органлари билан кўриб чиққанидан сўнг айрим жойларда фавқулодда ҳолатни жорий эта олади, шунингдек СССР ҳимояси ва унинг гражданлари хавфсизлиги манфаатлари йўлида муваққат Президент идорасини жорий эта олади. Бунда фавқулодда ҳолат режими ва муваққат Президент бошқаруви махсус қонун билан йўлга қўйилиши кўзда тутилади. Бутун мамлакатда фавқулодда ҳолатни жорий этишга келганда, шуни айтиш керакки, бу ҳуқуқ бутунлай СССР Олий Совети ихтиёрида қолади.

Президентлик ваколатининг бошқа гуруҳи иттифоқдош давлат идораларини тузишга, олий мансабдор шахсларни сайлаш, тайинлаш ёки тасдиқлаш учун мазкур мансабларга номзодларни кўрсатишга тааллуқлидир. Президент СССР Министрлар Совети Раиси, СССР Халқ назорати комитетининг раиси, СССР Олий судининг раиси, СССР Бош прокурори, СССР Бош давлат ҳаками лавозимларига номзодларни Олий Советга тақдим этади. Мазкур мансабдор шахсларнинг СССР Олий Совети ва Съезди томонидан вазифаларидан озод этилиши ҳам Президентнинг тавсияси билан амалга оширилиши кўзда тутилади. СССР Олий Совети олдига истеъфо тўғрисидаги ёки Министрлар Совети истеъфосини қабул қилиш ҳақидаги масалани қўйиш унинг ваколатига тегишлидир. Президент зиммасига халқ депутатлари Съездига СССР Конституцион назорат комитетининг шахсий состави тўғрисидаги таклифларни тақдим этиш вазифаси юкланади.

Совет Президентига мамлакат мудофааси ва хавфсизлиги соҳасида етакчи роль ажратилади. У ўз лавозимига кўра Қуролли Кучларнинг Олий бош қўмондони ҳисобланади; Совет Иттифоқига ҳужум бўлган тақдирда уруш ҳолатини эълон қилади ва мазкур масалани зудлик билан СССР Олий Советига кўриб чиқиш учун тақдим этади; ялпи ёки қисман сафарбарликни эълон қилади; Армия ва Флотнинг олий қўмондонлигини тайинлайди ва алмаштиради; олий ҳарбий унвонларни беради; ҳарбий трибуналларнинг ҳакамларини тайинлайди. Президентга одатда давлат бошлиғига хос бўлган бир қанча бошқа ваколатларни ҳам бериш таклиф этилади. Булар — орден ва медаллар билан мукофотлаш, Иттифоқ фахрий унвонларини бериш, гражданлик ва афв этиш масалаларини ҳал қилишдан иборат.

Шундай қилиб, СССР Президентига етарлича кенг ҳуқуқлар берилади. Лекин бунда олий нуфузли органлар ва Конституцион назорат комитети томонидан унинг фаолиятини баҳолаш самарали назорат қилиш механизми ҳам яратилади.

Ўз-ўзидан равшанки, марказий ҳокимият структурасида белгиланаётган ўзгартишлар натижасида СССР Олий Совети ҳозирги Президиумининг вазифалари ва ваколатлари тубдан ўзгаради. Президиум энди Президентга хос масалалар билан шуғулланмай, балки ўз диққат-эътиборини Съезд ҳамда СССР Олий Совети ишини ташкил этишга қаратади. Президиум таркиби ҳам аниқланмоқда. Унга СССР Олий Советининг Раиси, палаталарнинг раҳбарлари, уларнинг ўринбосарлари, комитетларнинг ва палаталар доимий комиссияларининг раислари киради. Иттифоқдош республикаларнинг Президиумдаги ваколати принципи сақланиб қолади, уларнинг ҳар биридан ва таклифига кўра Президиумга биттадан СССР халқ депутати киритилади.

СССР халқ депутатлари учинчи Съезди кўриб чиқиши учун тақдим этилаётган қонунлари лойиҳаларининг ниҳоятда ихчамлаштирилган мазмунининг баёни ана шундай, депутат ўртоқлар.

Айтилганларга хулоса ясаб, қуйидагиларни таъкидлашни истардим.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз турмушидаги мураккаб, новаторлик қайта ўзгартишлар билан банд бўлиб, биз кўпинча содир бўлаётган воқеаларга ташқаридан, тарихий истиқбол мавқеида туриб назар ташлашга улгурмаяпмиз. Ҳар қалай, бунга уриниб кўрсак, ўтган беш йил мобайнида жамиятимизда жуда катта ўзгаришлар содир бўлганлиги аён бўлади. Ҳа, улар турличадир, ҳар доим ҳам ижобий баҳоланавермайди. Лекин бу ўзгаришлар ўз моҳиятига кўра, илғор бўлиб, энди уларни муқаррар, деб айтиш мумкин.

Янгиланган ижтимоий-иқтисодий ва давлат тузуми вужудга келмоқда, давлат ҳокимиятининг янги муассасалари таркиб топмоқда. Тўғри, уларни маромига етказишга ва эҳтимол, қайтадан тузишга тўғри келар. Лекин депутатларимиздан бири тўғри айтганидек, ҳеч қандай меҳрибон амаки янгиланган социализмни бизга «қуриб» бермайди. Биз уни ўз қўлларимиз билан барпо этишимиз керак. Бу Советларни янгилашга ҳам, нуфузли демократиянинг замонавий шаклларини яратишга ҳам, президентлик демократик муассасасини республика кенгашларининг таркибига уйғун равишда киритишга ҳам тўла таллуқлидир.

СССР халқ депутатлари Съездига таклиф этилаётган партия тўғрисидаги, мулкчилик ҳақидаги, президент лавозимини таъсис этиш тўғрисидаги Конституция қоидаларининг ўзгартирилиши тўғриданг-тўғри ва бевосита мазкур жараённи ривожлантириш билан боғлиқдир. Бу қоидалар сиёсий ва иқтисодий ислоҳотнинг бундан буён ҳам давом этиши, жамият турмушини янгилашга оид барча ишлардан иборат умумий мақсадни кўзлайди. Съездимиз ана шу катта ўзгаришларнинг конституциоҳуқуқий негизини белгилашга тўғри келади. Бу жуда муҳим. Лекин бу ишнинг бошланиши, холос.

Конституциянинг йўл-йўриқлари жонли воқеликка айланиши керак. Бунинг учун эса мамлакат бўлажак Президентининггина эмас, барча депутатларимизнинг жадал куч-ғайратлари ҳам талаб қилинади. Янги Президентга, энг аввало, СССР халқ депутатлари ғоят хайрихоҳлик билан мадад беришлари зарур. Республикаларда ва жойларда Советларнинг, барча давлат идораларининг фаол иши ҳам зарур. Ҳеч истисносиз барча ижтимоий-сиёсий ташкилотларнинг, оммавий бирлашмалар ва ҳаракатларнинг давлатни бошқаришда, унинг механизми нормал ишлашини таъминлашда бевосита иштироки талаб қилинади. Ҳозирги кунда бизга четдан митинг офатларию танқидий момақалдироқлар эмас, балки мураккаб, кундалик бошқарув ишига айнан амалий ёрдам ҳаводек зарур.

Мулкчилик тўғрисидаги, ердан фойдаланиш ҳақидаги янги конституция нормалари ҳам ўз-ўзидан амал қилавермайди. Меҳнат коллективлари, колхозлар ва бошқа кооператив бирлашмалари, ижарачилар, миллионлаб меҳнаткашлар уларга таяниб, иш кўриши керак. Бу ниҳоятда мураккаб, бағоят оғ

СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари учинчи Съезди

ХАЛҚ ҲОКИМИЯТИНИНГ САМАРАДОРЛИГИ УЧУН

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Нотиқ президентлик жорий этилишининг шартлари орасида суверен давлатларнинг янги иттифоқ шартномаси тузилиши, ижроия ҳокимиятга аниқ-равшан юзма-юз бўла оладиган ваколатли Олий Совет тузилиши, Президентни теппа-тенг бевосита умумий овоз бериш йўли билан сайлаш, кўп партияли сайлов ўтказиш, яъни аниқ-равшан уюшган оппозицияни вужудга келтириш, матбуот эркинлигини таъминлаш каби шартлар борлигини айтди.

Президентлик тўғрисидаги масала ҳозирги раҳбарият сиёсати маглубиятга учраётган танг даврда ҳал этилмоқда, деб сўзида давом этди депутат. Тақдим этилаётган усул куч ишлатишга, фавқулодда ҳолатга таяниш демакдир. «Доҳий ва давлатимиз асосчиси» оммавий зўравонлик ва террорни, қонунсизликни давлат сиёсати даражасига кўтариш принципини бизга мерос қилиб қолдирган. Ҳозир бизга худди шу нарсани анъанага кўра давом эттириш таклиф этилмоқда.

Депутат **Н. И. Дементейнинг** фикрига қараганда, муҳокама қилинаётган СССР Президенти лавозимини тасдиқлаш тўғрисидаги Қонун лойиҳасига мамлакатимизда ҳокимиятда пайдо бўлган ўзига хос бўшлиқни тугатишнинг кафолати сифатида қараш мумкин. Зотан, бугунги кунда ана шу бўшлиқни анархия, қонунсизлик ва ўзбошимчалик тарафдорлари тўлдирмоқдалар. Нотиқ мамлакатда Президент муассасасини жорий этиш ғоясини қувватлади, айни вақтда лойиҳанинг айрим моддалари юзасидан ўз мулоҳазаларини айтди.

Нутқда у ёки бу регионда мураккаб, ёхуд, ҳатто фавқулодда ҳолат юзага келган тақдирда кечиктирмасдан қатъий чоралар кўрилиши лозимлиги таъкидланди, лекин бундай чораларни ҳозирча қонун чиқарувчилар ҳам, ижроия ҳокимият ҳам амалга оширмаяпти. Депутат СССР Президенти лавозимини таъсис этиш тўғрисидаги Қонунни қабул қилиш ва СССР Конституциясига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни таклиф этди.

Депутат **А. С. Елисеев** президентлик ҳокимиятини имкони борича тезроқ таъсис этиш кераклигини айтди. Икки далил: ижрочилик ҳокимиятини кучайтириш зарурлиги ва мамлакат раҳбарининг халқ олдидаги шахсий масъулиятини ошириш мана шу қарор кераклигидан далолат беради, деди у. Шу билан бирга нотиқ президент идора усули тўғрисидаги масала юзасидан қарор қабул этилгунга қадар СССР Конституциясининг 6 ва 7-моддалари муаммосини ҳал этишни таклиф қилди, унинг фикрича, бу моддаларнинг ҳозирги тарзда сақланиб қолиши замирида раҳбарликнинг якка ҳокимлик усулларига қайтиши доимий хавфи бор.

Партия органлари давлат вазифаларини ҳал этишга аралашмаслиги шароитида кўз олдимизда ҳокимият эгасиз бўлиб қолаяпти, биз мана шу бўшлиқни дарҳол тўлдиришимиз керак, масалани пайсалга солиб бўлмайди, деб таъкидлади нотиқ. **Биз** ҳозирнинг ўзидаёқ давлат идора структурасининг ўзи билан аввалги режим қайта тикланиши эҳтимолини истисно этишимиз керак.

Нотиқ президент лавозими таъсис этилиши муносабати билан СССР Конституциясига киритиладиган ўзгартишлар лойиҳаси хусусида бир қанча мулоҳазалар айтди.

Қайта қуришнинг яхши ишлари мустаҳкам давлат структураларига ва самарали ҳокимият тартиб-қоидасига таянмас экан, муваффақият қозона олмайди. Депутат **В. И. Воротников** шу фикрни ривожлантириб, демократиянинг ривожини давлат ўзагини мустаҳкамлаш, интизомни кучайтириш, сиёсий онг даражасини ошириш билан бевосита алоқадор эканини мантиқий равишда асослаб берди. Ҳозир эса, чамаси, тескари жараёнлар содир бўлмоқда: жамиятда, ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда салбий тенденциялар кучайиб боряпти, деб уқтирди нотиқ. Шу боисдан ҳам марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаш, унга сиёсий турмуш шаклларитобора хилма-хил бўлиб боратган шароитда ижтимоий ўзгариш жараёнларини ўз вақтида ва аниқ йўлга солиб, назорат қилиб туриш имконини берадиган ҳуқуқларни бериб қўйиш жуда зарурдир.

Шу муносабат билан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси Коммунистик партия кўтариб чиққан ташаббусга эътиборни қаратди, Коммунистик партия энди давлат фаолиятида ўз иштироки шаклларини қайтадан кўриб чиқмоқда.

Ю. Н. Афанасьев нутқидаги оппозиция зарурлиги тўғрисида айтилган фикрга тўхталиб, депутат мана шундай оппозиция ҳозирнинг ўзидаёқ мавжудлигини айтиб ўтди. Гап фақат унинг тегишли қонуний шаклларга кириши ҳақида бораяпти. Сирасини айтганда, Коммунистик партиядан чиқиб, ўз ташкилотларини тузишга ҳеч ким халақит бераётгани йўқ-ку, СССР Конституциясининг 6 ва 7-моддалари хусусидаги таклифлар, аслида, ҳозир мана шуни назарда тутади. Айтилган ҳақиқатомуз ҳуружлар эса нотиқнинг виждонига ҳавола, деб хулоса қилди депутат.

РСФСР Олий Совети Президиумининг Раиси мамлакатимизда битта марказий ҳокимият ва шунга мувофиқ равишда, битта президентлик лавозими бўлсин, деган фикрни айтди.

Шундан кейин съездда Таҳрир комиссияси тузилди.

Жамиятнинг бир қисми, деди депутат **Г. Г. Гумбаридзе**, президентлик ҳокимиятини жамиятни бошқаришнинг шахсий моделига қайтиш деб билмоқда. Аниқ бир шахс ҳақида гап борганида номзодни биз унга бермоқчи бўлган ҳуқуқлар билан таққослаш мумкин. Республика жамоатчилиги мамлакатда М. С. Горбачев раҳбарлигида ўтказилаётган демократик ўзгартишларни якдиллик билан қўллаб-қувватламоқда. Шу билан бирга президентлик бошқарувининг жорий этилишини аниқ бир шахс билан боғлаб бўлмайди.

Депутатнинг фикрича, Қонун лойиҳасида СССР — суверен давлатлар иттифоқи эканлиги дуруст эътиборга олинмаган, миллатлараро муносабатларнинг бутун мураккаблиги ҳисобга киритилмаган. Жамиятнинг унитар давлатга қайтишига йўл қўймаслик истаги табиий. Бунинг учун президентлик фаолияти устидан парламент томонидангина эмас, балки, эҳтимол, аввало айниқса иттифоқ шартномасига риоя этиш борасида федерация кенгаши томонидан коллегиал назоратнинг самарали дастурини вужудга келтириш керак.

Қайта қуриш ва демократиялаш, деди Грузия ССР Олий Совети Президиумининг Раиси, иттифоқдош республикаларнинг ҳақиқий давлатчиликка эга бўлиши учун янги истиқболлар очди. Бироқ айни шу нуқтаи назардан Қонун лойиҳаси муайян шубҳа-гумонларни келтириб чиқармоқда. Бу эса жиддий танқидий мулоҳазаларга сабаб бўлди, Грузия ССР Олий Советининг навбатдан ташқари сессиясида шу мулоҳазалар тасдиқланди. Депутатнинг фикрича, ҳар бир иттифоқдош республика кенг ваколатларга эга бўлган ўз президентини сайлаш ҳуқуқини олиши керак. Бироқ афсуски, қонун лойиҳасида бу нарса кўзда тутилмаган.

СССР Президенти лавозимини жорий этиш тўғрисидаги қарорни мамлакатимиздаги демократик ўзгаришлар мантиқи тақозо этмоқда, деб таъкидлади депутат **В. И. Мироненко**. Биз янги Конституцияни ишлаб чиқиш ва қабул этишни орқага суриб, ҳозирнинг ўзидаёқ хатоларга йўл қўйдик. Янги иттифоқ шартномасининг тузилиши ҳам кечикмоқда. Энди эса ҳал қилувчи пайтда тўхтаб қолиш ярамайди.

Съездда ўзидан аввал айтилган далил-исботларга нотиқ президент идора усулини ёқловчи яна бир қанча мулоҳазаларни қўшди. Жумладан, деди у, президентлик ҳокимияти ғоясини ҳимоя қилганда ижрочилик ҳокимиятини кучайтиришга зўр бермаслик керак. Унинг фикрича, президентлик идора усулини жорий қилишнинг мақсадга мувофиқлиги умумий истиқбол мулоҳазалари важидан ҳам, демократик ўзгаришларни чуқурлаштириш ва жадаллаштириш важидан ҳам ўринлидир.

Нотиқ Президентнинг умумхалқ томонидан сайланиши астойдил тарафдори эканлигини айтгач, ҳозир таклиф қилинаётган истисно — биринчи гал Президентни айни Съездда сайлаш тўғрисидаги таклиф бу қоиданинг жиддий ва муҳим акси бўлмайдими, деган масала устида ўйлаб кўришни таклиф қилди. Бу ҳолда, деди у, халқ депутатлари Съезди мазкур қарорни қабул этишга ҳам, шунингдек Қонунда писанда қилинган ҳолларда шу қарорни бекор қилишга ҳам ҳақли бўлганлиги сабабли президентлик ҳокимиятининг роли бошқа муассасаларга зарар етказган тарзда ҳаддан ташқари ошиб кетмаслигининг кафолати бўла олади.

Жаҳондаги энг инсонпарвар мукофот машҳур олим Нобель номи билан аталади. Депутат **И. В. Дорохов** шу олимнинг «Ҳар қандай демократия разиллар диктатураси билан тугайди» деган сўзларини тилга олар экан, бу сўзлар мамлакатимиз учун башорат бўлмаслигига умид билдирди. Ҳозир, деб таъкидлади у, қайта қуриш жараёнларига догматик кучларгина эмас, экстремист кучлар ҳам қарши турибдилар. Улар жамоатчилик норозилигидан фойдаланиб, аввало норасмий раҳбарликни, шундан кейин эса расмий раҳбарликни ҳам қўлга киритишга интилмоқдалар. Экстремизм гоҳо сўл, гоҳо ўнг ибора билан оломонни эргаштиришга ҳаракат қилиб, ялтироқ шуҳратпарастлик либосида майдонга чиқмоқда. Экстремистлар жамиятимизни бўлиб ташлашга уринмоқдалар. Биринчи ва иккинчи сайлов кампаниялари чоғида ана шундай кайфиятлар намоён бўлди.

Ким тартиб ўрнатиши мумкин? Нотиқ шу саволга жавоб берар экан, президентлик ҳокимиятини жорий этиш зарурлигига батафсил тўхталди. Президент лавозимини таъсис этишда биз шошма-шошарлик қилаётганимиз йўқ, балки орқада қолмоқдамиз, деб уқтирди у. Депутат лойиҳанинг асосий қоидаларини тўлдиришни таклиф этар экан, ҳадеб мажлис қилавермайлик, ишлаш керак, деб даъват этди.

Депутат **Н. П. Шмелев** мамлакатда президентлик ҳокимияти ўрнатилишини қатъият билан қўллаб-қувватлади. Мураккаб, кўп миллатли мамлакатда, деди у, бутун халқ сайлаган олий ҳакам керак. Биз иқтисодиётда, яъни энг қалтис соҳада қатъият, сиёсий ирода ва ҳокимият йўқлигини тобора кўпроқ ҳис этмоқдамиз, ҳолбуки, худди шу иқтисодиётда янги даврда йўл қўйилган хатолар таъсирида емирилиш жараёни бораяпти. Аччиқ ҳақиқатни айтиб қўя қолайлик: биз иқтисодиётда ақли норасолар ҳонадонини бунёд этдик ва шу ҳонадон қонунларига кўра яшаб келмоқдамиз. Соғлом ақл-идрок, нормал иқтисодий қонунларга қайтмас эканмиз, тангликдан чиқа олмаймиз.

Олим илгариги Съездда қабул қилинган ҳукумат программасини танқид қилиб, мазкур программани қатъиятсиз ва чала-ярим программа деб атади. Ўзига мушкуллик билан йўл очиб бораётган иқтисодий турмушнинг янги шаклларига кенг майдон очиб бериш керак. Озиқ-овқат развёрсткасидан озиқ-овқат солиғига ўтиш, ҳолдан тойган хўжаликларни сунъий тарзда қўллаб-қувватлашга барҳам бериш, қишлоқни крепостнойликнинг барча асоратларидан озод қилиш учун Президентнинг жасорати ва обрўси зарур. Депутат кооперация, мулкка нисбатан ҳукумат тутаётган йўлни бекарор йўл деб ҳисоблаб, бунга қўшилмаганлигини айтди. Гарчи олқишланмаётган бўлса ҳам, аммо зарур бўлган тадбирларсиз, нарх ва молиянинг ислоҳотисиз бизнинг қўлимиз калта бўлиб қолади, деди пировардида нотиқ. Президентлик дадил ёндашувни намоён этади, деб умид қиламан.

Депутат **М. И. Иброҳимов** съездда сўзга чиқиб, СССРда президентлик лавозимини таъсис этишни ва шу масала хусусидаги Қонун лойиҳасининг асосий моддаларини маъқуллаган нотиқларни қўллаб-қувватлади. Мамлакат қайта қуриш йўлидан ўз ҳаракатида муҳим маррага яқинлашиб келди, деди у. Партия ҳокимиятни Советларга бериши реалликка айланмоқда, кенг омма сиёсат майдонига тобора кўпроқ жалб этилаяпти. Лекин бошқа ҳоллар ҳам кўриниб қолди. Бузғунчи кучларнинг мамлакат ҳаёти нормал маромига рахна солиш, одамларда ишончсизлик ва қўрқув туйғусини қўзғатишга қаратилган уринишлари тез-тез бўлиб турибди.

Мамлакат Президенти лавозимининг таъсис этилиши, — деб таъкидлади нотиқ, ҳокимият обрўсини жумладан ижроия ҳокимият обрўсини ошириш йўлидаги муҳим тадбирдир. Ушбу тадбир қайта қуриш жараёнларини жадаллаштиради, иқтисодиётни ривожлантириш, демократиялаш ва жамиятни инсонпарварлаштиришда катта одим бўлади. Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятининг ажралиши ҳам қўшимча омилга эга бўлади.

Депутатнинг фикрича, тақдим этилган Қонун лойиҳасининг айрим қоидаларига аниқлик киритилиши керак. Федерация кенгаши ва Президент кенгаши фаолиятининг ваколати, тартиби ва шаклларини белгилашга синчковлик билан ёндашиш зарур.

Депутат **С. Я. Батишев**нинг фикрича, президентлик мамлакатда давлат бошқаруви нуфузини шак-шубҳасиз кўтаради. Олий Совет Раиси ҳозир амалда реал ҳокимиятга эга эмас.

Нотиқ ҳозир таркиб топган ҳокимият структураси ҳақида гапирар экан, унинг ўз вазифасига ноқобиллиги ва зиддиятлилигини уқтириб ўтди. Масалан, Олий Совет ҳам, халқ депутатлари съезди ҳам Қонун чиқариш фаолияти билан шуғулланмоқда. Айни вақтда бугун таклиф этилаётган президентлик бошқаруви ҳам таркиб топган структурани дурустроқ соддалаштирмайди, деб ҳисобламоқда нотиқ. Аксинча, қўшимча тарзда Президент лавозими, федерация кенгаши, президентлик кенгашини тасдиқлаш мўлжалланмоқда. Структураларни тузишга тузиб қўйиб, кейинчалик улардан осонлик билан воз кечишга нега энди бунчалик ихлос қўйган эканмиз? — деб савол берди нотиқ. Олимнинг фикрича, тоталитаризм асоратларидан ишончли кафолатлар бўлиши учун президентлик ҳокимияти дастурига аниқлик киритилиши керак.

Президент бошқарувини жорий этиш — мамлакатдаги танг аҳвол сабабли кўрилган фавқулодда чорадир деган мулоҳазаларда ҳақиқат бор, деди депутат **В. А. Медведев**. Бу тадбир салбий жараёнлар авж олиб кетишининг олдини олишга қаратилган катта долзарб сиёсий қарорлар қабул қилиниши учун зарурдир. Ҳозирнинг ўзидаёқ ҳокимиятнинг фалажлиги деб ном олган бошқарувдаги тартибсизлик ва мўртликдан холи бўлиш зарур.

КПСС Марказий Комитетининг секретари қуйидагиларни таъкидлади: съездда икки масала, яъни президентликнинг жорий этилиши ҳамда Конституциянинг 6-7-моддаларини ўзгартириш тўғрисидаги масалалар бир вақтнинг ўзида муҳокама қилинаётганлиги тасодифий ҳол эмас. Башарти кучли ва ишга қодир президентлик ҳокимияти бунёд этилмаса, партиянинг ўзининг ҳозирги вазифаларидан воз кечиши бебошликка олиб келиши мумкин.

Нотиқ, партия юқоридаги парламент фаолияти билан чекланиши ва ҳатто ўзини ўзи тарқатиб юбориши лозим, деб ҳисоблаётган кишилар фикрига қўшилмаётганлигини айтиб қуйидагиларни таъкидлади: ҳокимиятни партиядан давлатга бериш — тактикавий йўл бўлмасдан, балки КПСС раҳбариятининг бош йўлидир. Партия интизоми партия раҳбари бўлган Президентнинг оёқ-қўлини чандиб ташлайди, деб хавотирланишга ҳам ҳожат бўлмаса керак деб уқтирди нотиқ. КПСС Марказий Комитети секретарининг шунга ишончи комилки, партия раҳбари ва давлат бошлиғи лавозимларининг қўшилиши мақсадга мувофиқгина бўлиб қолмасдан ҳозирги шароитда зарур ҳамдир.

Нотиқ ўз сўзининг охирида партияни танқид қилувчилар хулқ-атворидаги хусусиятга эътиборни қаратди: улар яқиндагина зўр бериб президентликни маъқуллашаётган эди. Бугун эса худди шундай зўр бериб, бу ғояни рад этмоқдалар. Унинг фикрича, бу ғалати жумбоқ КПСС мухолифлари қўлида амалий дастур йўқлигидан далолат бериб турибди.

Депутат **В. И. Гольданский** дарҳол ўз нутқининг йўналишини белгилаб олди: М. С. Горбачевни назарда тутиб, СССРда президентлик лавозимини таъсис этиш ҳақида гапирмоқчиман. Мен Михаил Сергеевични ҳозирги вақтда якка-ягона ҳақиқий номзод деб ҳисоблайман.

Президентлик тўғрисидаги Қонунни фавқулодда етилган қонун десак камлик қилади, эндиликда бу қонун долзарблиги жиҳатидан етилиб, бироз ўтиб ҳам кетди, бунга шак-шубҳа йўқ, деб уқтирди нотиқ. Президентни ялпи тенг ва бевосита сайлов ҳуқуқи асосида (бундан буён шундай қилиш таклиф этилмоқда) сайлаш яхшироқ бўлур эди, албатта. Лекин ҳозир бунинг учун фурсат йўқ. Чунки ҳозир гап оромгоҳда даволаниш ҳақида эмас, дард хуруж қилиб турган вақтда шошилинч ёрдам кўрсатиш ҳақида бораяпти, деди депутат.

Президентлик лавозимининг жорий этилишини, гўё, Горбачев мутлақ шахсий ҳокимиятга интилаётгани тақозо этган, деган фаразларни нотиқ бемаъни гап деб атади. Эски мезонларга қараб айтадиган бўлсак, бундан беш йил муқаддам, у партия Марказий Комитетининг Бош секретари бўлганида, шу ҳокимиятни олган эди. Шу йиллар мобайнида у бутун куч-ғайратини маъмурий бюрократик системани бузиб ташлашга сарфлади. Мазкур системада эса партиянинг «катталари» мамлакатнинг тўла қонли хўжайинлари эдилар; эндиликда эса М. С. Горбачев, янги лавозимга чиқиб, гўё ҳокимиятни ўз қўлига олмоқчи деб ўйлаш тутуруқсизликдир.

Депутат муҳокама қилинаётган Қонун лойиҳасига бир қанча тузатишлар киритишни таклиф этди.

Биз суверен республикалардан ташкил топган иттифоқ давлатида яшаётганимизни унутмаслик керак, деб эслатиб ўтди депутат **Э. Ю. Салаев**. Ижроия ҳокимияти соҳасида уларнинг ҳуқуқларига риоя этиш зарур кафолатлар билан таъминланиши керак. Озарбайжон ССР Фанлар академиясининг президенти худди ана шу нуқтаи назардан Қонун лойиҳасига бир қанча мулоҳазалар ва қўшимчаларни таклиф этди.

Унинг фикрича, Қонун лойиҳаси Президентга қонун лойиҳаларини тақдим этиш соҳасидаги фаолиятида махсус ваколатлар беради. Депутатнинг фикрича, таклиф этилаётган дастур асоссиз тарзда совет парламентининг мавқеини туширади.

Ҳарбий ёки фавқулодда ҳолат эълон қилиниши билан боғлиқ бандни яна ҳам аниқроқ ифодалаш керак, деб уқтирди депутат.

Бокуда фавқулодда ҳолат жорий этиш тўғрисидаги масалани Озарбайжон ССР Олий Совети Президиуми кўриб чиқмаганлигига таяниб, нотиқ Қонун лойиҳасига, СССР Президенти тегишли иттифоқдош республика Олий Советининг розилиги билан фавқулодда ҳолат эълон қилади, деб аниқ-равшан ёзиб қўйишни талаб қилди. Янгиланган иттифоқ шартномаси зарур. ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикалар вазифаларини янгитдан аниқ-равшан белгилаб қўйиш лозим, деди сўзининг охирида депутат. Ана шу таг-заминли масалалар ҳал этилгандан кейинги-на, биз СССР Президентига қайси вазифаларни ишониб топширишимиз, унинг фаолиятини, якка бошчилигини қай йўсинда чеклашимиз ҳақида жиддий гапириш мумкин.

Депутат **А. И. Казанник** СССР Президенти лавозимини таъсис этишни маъқуллаб гапирди. Лекин унинг фикрича, таклиф этилган Қонун лойиҳасини тубдан қайта ишлаш зарур. Аввало, ҳокимиятларни аниқ-равшан белгилаб қўйиш зарур. Мазкур депутат ибораси билан айтадиган бўлсак, давлатнинг бирор-бир органи иккинчиси устидан устун бўлмаслиги учун тийиб туриш ва мувозанатни сақлаш системасини мустаҳкамлаш керак.

Шундан кейин Омск давлат университети кафедрасининг доценти муҳокама этилаётган Қонуннинг СССР Президенти ҳуқуқлари ва бурчларига тааллуқли бир қанча моддаларини таҳлил қилди. Унинг бир қанча таклифлари Президентнинг халқ олдидаги масъулиятини талқин этишга тааллуқли бўлди. У Қонуннинг шу қисмини талқин этишда чет эл тажрибасига кенгроқ суянишга даъват этди.

Ўз нутқининг охирида нотиқ бундай деди: Ю. Н. Афанасьев нутқидаги охирги жумла регионлараро гуруҳ аъзоларининг фикрини ифодаламайди. Шу гуруҳ мажлисларида Ленин мероси муҳокама қилинганлигини ва бу меросни қандайдир йўсинда талқин этишга уринганликларини мен эслай олмайман, деди у.

Кун охирлаб қолган эди, шунинг учун ҳам, съезд аҳли бундан буён қандай ишлаши керак, деган масала кўндаланг бўлди. Ҳар хил таклифлар айтилди. Раислик қилувчи, эълон қилинган нотиққа сўз бераётганлиги, 13 март эрталаб эса бундан буёнги ишнинг тартибини белгилайлик, деб тавсия этганида бу ҳаммага маъқул бўлди.

Шундан кейин сўзга чиққан депутат **Е. И. Подолянина** вужудга келган вазият тартиб ўрнатиш, иқтисодиётдаги ишларни яхшилаш учун дарҳол туб қарорлар қабул қилинишини талаб этмоқда, деб таъкидлади. Бундай вазиятда худди Президент ҳокимияти жуда зарурдир.

Колхоз раиси ўзининг кўп йиллик тажрибасига таяниб, хўжалигимизда демократия бор, лекин интизом, масъулият, тартиб ҳам бор деб уқтирди.

Нотиқ, мен депутат, коллектив раҳбари, она сифатида миллатлараро нифоқ сабабли кишилар бошига тушаётган кулфатга ҳамдардман, деб уқтирди, у виждон даъватига қулоқ солиб, давлатда, кўпмиллатли оилада тартиб ўрнатишга чақирди. Агар оила иноқ-тотув бўлмаса, ҳамма озор чекади. Нифоқни истаётган кишилар бошига ҳам кулфат тушади.

Шу билан съезднинг биринчи иш куни якунланди.

(ТАСС).

МАМЛАКАТДА ВА РЕСПУБЛИКАДА ТАРТИБ БЎЛАДИ, ДЕГАН УМИД БИЛАН

Москва, 12 март. ЎзТАГ махсус мухбири А. БАРАНОВ хабар беради:

Кремлнинг Съездлар саройида СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари учинчи съезди иш бошлади. Жуда қисқа кун тартиби тасдиқланди: Совет халқ ҳокимияти намояндалари давлат қурилишининг қайта қуриш, ҳозирги тараққиётнинг бутун бориши, яқин орадаги ва олис истиқболлар ўртага қўйган энг муҳим масалаларни ҳал этиш учун мамлакат пойтахтига йиғилдилар. Парламент аъзолари СССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартиш ва қўшимчалар киритишлари, давлатимиз тарихида биринчи марта чинакам демократик президентлик ҳокимиятини қонунлаштиришлари ва жорий қилишлари лозим.

Тақдирга дахлдор бўлган мана шу тарихий қарорларни кўриб чиқиш ва қабул этишда Ўзбекистондан СССР халқ депутатлари қилиб сайланган юздан ортиқ вакил ҳам қатнашмоқда. Эрталаб, биринчи мажлис бошланишидан аввал биз республикамиздан келган бир неча халқ вакилига мурожаат этиб, улар ҳозирги съездга қандай умид боғлаётганликлари хусусида битта савол бердик.

Қува ғалла маҳсулотлари комбинатининг директори Раҳматулло Аҳмедов:

— Мамлакатда президентлик ҳокимиятининг таъсис этилиши, ниҳоят, ҳозир ҳаммамизга зарур бўлган тартибни таъминлашга ёрдам беради, деб жуда ишонгим келади. Қаттиқ интизом, мустаҳкам тартиб, пишиқ-пухталик бўлмаса, бемалол яшаб бўлмайди, иқтисодиётнинг, ижтимоий тараққиётнинг долзарб муаммоларини тузукроқ ҳал этиб бўлмайди. Мен раҳбарлик қилаётган корхонанинг коллективида етти юз киши — 16 миллат вакиллари меҳнат қилмоқдалар. Фарғона водийсидаги воқеалар, шундан кейин республикада пайдо бўлган миллатлараро кескинлик, хайрият, бизнинг коллективимизда маънавий-руҳий муҳитга таъсир қилмади — у аввалгидек, ягона, аҳил оила бўлиб меҳнат қилмоқда.

Гулистон тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг тикувчиси Гулчеҳра Бекпўлатова:

— Биз — ўзбеклар, тожиклар, татарлар, руслар, украинлар, бошқа кўп миллатларнинг намояндалари ҳамиша бир оиланинг фарзандларидек яшаб, ишлаб келаяпмиз. Аммо кейинги вақтларда сафимиз сийраклашиб қолди — бизда ишлаб турган месхети туркларининг ишдан бўшаб кетишди. Ҳар қадамда ҳал этилмаган муаммолар. Аммо булар — ҳаммамизга тегишли муаммолар, уларни биз учун ҳеч ким ҳал этиб бермайди, ўзимиз ҳамдам ва ҳамжиҳат бўлиб, бутун кучни бирлаштириб уларни ҳал этишимиз мумкин. Шу мақсадга хизмат қиладиган ҳамма қарорлар ва қонунларни ёқлаб овоз бераман.

Қашқадарё областидаги Куйбишев номли совхоз ишчиси, пахтакор Раъно Жонқувватова:

— Бизнинг бақувват хўжалигимизда асосан ўзбеклар яшаб меҳнат қиладилар, шундай бўлгач, миллатлараро кескинлик ҳақида гапиришнинг ҳожати йўқ. Аммо бундан ҳамма муаммоларимиз ҳал этиб бўлинган, деган маъно чиқадими? Йўқ, бизнинг турмушимизда ҳам, ишимизда ҳам ҳали муаммолар кўп. Пахта учун қўшимча ҳақ жорий этиш, ер участкалари ажратиш масаласида эндигина яхши ишларга қўл урилди... Биз республикада одамлар ўртасидаги муносабатларни кескинлаштиришга, уларнинг осойишта яшаб ишлашига халақит беришга уринаётган кимсаларни қоралаймиз. Биз съездда қабул этадиган қарорлар ҳамма муаммоларни тезроқ ҳал этишга ёрдам беради, мамлакатнинг ҳамма жойларида фароғатли ва бахтли ҳаёт барпо этишга кўмаклашади, деб умид қиламиз.

ЛИТВА ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

ВИЛЬНЮС, 12 март. (ТАСС мухбири К. Усчила). Бугун Литва Олий Советининг сессиясида СССР Олий Советининг Раиси М. С. Горбачевга мурожаатнома қабул қилинди. Мурожаатномада мустақил Литва давлати тикланганлиги маълум қилиниб, СССР тикланган мустақил Литва Республикасини тан олади, деб умид билдирилган. Литва Республикасининг Олий Совети мазкур мурожаатномани Литва парламенти қарорлари билан боғлиқ масалаларни тартибга солиш юзасидан музокаралар бошлаш хусусида СССР Иттифоқига қилинган расмий таклиф деб ҳисоблаши сўради. СССР билан яхши сиёсий ва иқтисодий муносабатлар ўрнатишга интилиш истагини билдирди.

СССР ҳукуматига ҳам мурожаатнома қабул қилиниб, унда икки томонлама шартномалар асосидаги иқтисодий муносабатлар белгиланганига қадар мавжуд иқтисодий алоқалар ва ўзаро мажбуриятларга амал қилиб туриш таклиф этилди. Олий Совет Литва халқига, шунингдек Литва Республикаси миллий жамоаларига ҳам мурожаатнома қабул қилди.

Литва Олий Советининг бугун маъқулланган Қонун ҳужжатларида «Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисида»ги СССР Қонуни, шунингдек Литва ССРнинг ҳарбий мажбурият тўғрисидаги Қонунни бузганлик учун жавобгарликни белгилаб берувчи Жиноят кодекси ва маъмурий кодекснинг тегишли моддалари Литвада ўз кучини йўқотганлиги таъкидланган.

Сессия иттифоққа бўйсунувчи корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар мақоми тўғрисидаги масалани муҳокама қилишга киришди.

Иқтисодий мустақиллик: унга эришиш йўллари

● Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигига қандай қилиб эришиш мумкин! Мавжуд ишлаб чиқариш қувватлари халқ манфаатларига мувофиқ бўлиши учун нималар қилиш керак! Ўзбекистон ССР Госпланида 12 март куни бўлиб ўтган кенгашда мана шу мураккаб масалаларни ҳал этиш йўллари муҳокама қилинди. Кенгашда олимлар, мутахассислар, марказий иқтисодий идораларнинг ходимлари, жамоат ташкилотларининг вакиллари қатнашдилар.

Республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР Госплани раиси Ш. Р. Мирсаидов йиғилган кишилар ҳузурида сўзга чиқиб, совет федерацияси доирасида Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигига олиб борадиган асосий стратегик йўналишларни баён этиб берди.

Учта асосий шарт — мустақиллик, ўзини ўзи бошқариш ва ўзини ўзи пул билан таъминлаш шартларини бажармай туриб, миллий иқтисодий сиёсатни шакллантириб бўлмайди, суверенитетни таъминлаб бўлмайди. Бу соҳада реал ҳокимиятни халқ депутатлари Советлари қўлига беришдан тортиб, то ишлаб чиқариш ва социал ёрдамчи тармоқларни уйғун равишда ривожлантириш учун ўз даромад манбаларини тасарруф қилиш ҳуқуқигача кўпдан-кўп муаммолар ҳал этилиши лозим.

Кенгашда республика ва ССР Иттифоқи мулкчилиги соҳаларини бир-биридан фарқлаш масалалари муҳокама қилинди. Ўзбекистоннинг миллий бойлиги — ер, ер ости республиканинг давлат мулки бўлиши кераклиги, уларни сотиш мумкин эмаслиги қайд этилди. Мана шундай шароитда Иттифоқ органларининг ҳуқуқ доираси табиий бойликлардан оқилона фойдаланишга оид асосий қоидаларни шартнома негизида республика билан биргаликда ва унинг манфаатларини эътиборга олиб ишлаб чиқиш билан чекланади. Кўпчилик корхоналар ва халқ хўжалик комплекслари республиканинг мулки бўлади. Бу эса унинг иқтисодий мустақиллигини таъминлайди.

Маҳаллий бозор учун ва ўз хом ашёси билан ишлайдиган кўп миқдордаги бирлашма, корхона ва ташкилотларни Иттифоқ қарамоғидан Ўзбекистон ССР ихтиёрига бериш тўғрисида ишлаб чиқилган қоидалар янги иқтисодий сиёсат принципларига тўла-тўкис мувофиқ эканлигини нотиқлар таъкидлаб ўтишди. Структурадаги ўзгаришларни эътиборга олганда, республика хўжалигининг улуши саноатда 80 фоизга, қурилишда эса 90 фоизга етади. Деҳқончилик саноати мажмуасининг, хизмат кўрсатиш соҳаси ва ижтимоий ёрдамчи тармоқларнинг корхоналари ҳамда хўжаликлари амалда тўлатўкис республика ихтиёрига олиб берилади.

Иқтисодий мустақилликка эришиш соҳасида белгиланаётган тадбирларнинг бутун мажмуи бир қанча вазифаларни ҳал этишни кўзда тутади. Бу эса долзарб ижтимоий масалаларни ҳал этишга ва аввало, халқ фаровонлигини оширишга сарфланадиган маблағларни бир жойга жамлаш имконини беради. Ўзбекистон иқтисодиётини соғломлаштиришга табиий бойликлардан, фан-техника, ишлаб чиқариш ва демография имкониятларидан оқилона фойдаланиш ҳисобига эришиш кўзда тутилмоқда. Ижтимоий ишлаб чиқариш структураси маҳаллий шароитларни ҳамда Иттифоқ ва жаҳон иқтисодиётидаги мавжуд тенденцияларни эътиборга олиб қайта қурилиши табиий.

Ўзбекистонни иқтисодий мустақилликка ва ўзини ўзи пул билан таъминлашга ўтказиш дастурида янгиланган федерация таркибидаги бошқа республикалар билан сифат жиҳатдан янгича ҳамкорлик назарда тутилади.

Кенгашда республика етказиб бераётган маҳсулотнинг нархини ҳақиқий меҳнат сарфи ҳамда Иттифоқ ва жаҳон бозорида вужудга келаётган талаб асосида белгилаш муаммолари ҳам муҳокама қилинди.

Аҳолини иш билан таъминлашни ошириш ва унинг ижтимоий ҳимояланишини кучайтириш билан боғлиқ бўлган масалалар манфаатдорлик билан ўткир муҳокама қилинди. Экология вазиятини тезроқ соғломлаштириш зарурлиги таъкидланди.

Кенгаш қатнашчилари айтган таклифлар ва хулосалар республиканинг иқтисодий мустақиллигига эришиш йўналишлари, шакллари ва усулларини аниқлаш соҳасида бундан буён қилинадиган ишларда ўз ифодасини топади. Бу масалалар янги чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг бўлғуси сессияси муҳокамасига қўйилади.

(ЎзТАГ).

1990 ЙИЛ 4 МАРТ КУНИ ЎТКАЗИЛГАН ТАКРОРИЙ ОВОЗ БЕРИШДА САЙЛАНГАН ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ РЎЙХАТИ

Абдуллаев Азиз Рефатович, Жиззахдаги 1-бинокорлик материаллари комбинати директори, КПСС аъзоси, Жиззах шаҳри, Жиззах область 362-Жиззах сайлов округидан.

Абдуллаев Асқар Аъзамович, Ўрта Осиё Темир йўли касаба союзлари раиси, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, Тошкентдаги 26-Кафанов сайлов округидан.

Абдуллаев Рустам Худойберганович, халқ депутатлари Фарғона область Совети ижроия комитети ички ишлар бошқармаси бошлиғи, КПСС аъзоси, Фарғона шаҳри, Фарғона область 409-Марғилон сайлов округидан.

Абдулҳамидов Алимардон, Улуғбек номли Фарғона педагогика институти ректори, КПСС аъзоси, Фарғона шаҳри, Фарғона область 397-Октябрь сайлов округидан.

Абдурашидов Абдумалик, Қўқон шойи тўқиш фабрикаси мастер ёрдамчиси, Қўқон шаҳри, Фарғона область 404-Театр сайлов округидан.

Аъзамхўжаев Алишер Анварович, «Миконд» заводи парткоми секретари, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, Тошкентдаги 39-Янги турмуш сайлов округидан.

Алиев Эшқул Тўрабоевич, халқ депутатлари Қумқўрғон район Совети ижрокоми секретари, КПСС аъзоси, Қумқўрғон шаҳри, Сурхондарё область 348-Қумқўрғон сайлов округидан.

Алихўжаев Акмал Исоқович, Каттақўрғон қишлоқ сув хўжалиги қурилиши трести бошлиғи, КПСС аъзоси, Оқтош шаҳри, Самарқанд область 288-Оқтош сайлов округидан.

Аҳмадқулов Сайдаҳмад, Бағдод район партия комитети биринчи секретари, КПСС аъзоси, Бағдод посёлкаси, Фарғона область 422-Бағдод сайлов округидан.

Аҳмедов Муҳаммад Исматович, Бухоро районидаги «Маданият» колхози правленияси раиси, КПСС аъзоси, Роботи—Қалмоқ қишлоғи, Бухоро область 180-Ширғарон сайлов округидан.

Аҳмедов Шуҳрат Шерхонович, Ўзбекистон Компартияси Қувасой шаҳар комитети биринчи секретари, КПСС аъзоси, Қувасой шаҳри, Фарғона область 411-Қувасой сайлов округидан.

Бобомуродов Салоҳиддин, шойи ишлаб чиқариш бирлашмаси директори, КПСС аъзоси, Самарқанд шаҳри, Самарқанд область 316-Зиёвуддин сайлов округидан.

Бозоров Дамир Қодирович, «Спутник» қурилиш кооперативи раиси, Яккабоғ шаҳри, Қашқадарё область 238-Сандал сайлов округидан.

Ботиров Турмуҳаммад Анорович, Эйвалек махсус темир-бетон буюмлари комбинати директори, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, Тошкент область 83-Қорахитой сайлов округидан.

Бойчаев Абдуллажон Баёзович, Тўрақўрғон трактор ремонти заводи Янгиқўрғон филиали директори, КПСС аъзоси, Янгиқўрғон райони, Наманган область 275-Янгиқўрғон сайлов округидан.

Бурхонов Зариф, «Узплодовощч» область кооператив ишлаб чиқариш бирлашмаси раиси, КПСС аъзоси, Китоб шаҳри, Қашқадарё область 223-Қуйиоқбой сайлов округидан.

Возненко Анатолий Николаевич, халқ депутатлари Фарғона область Совети ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари, КПСС аъзоси, Фарғона шаҳри, Фарғона область 400-Қурилиш сайлов округидан.

Емельянов Андрей Борисович, юк ташиш бўйича Тошкент дирекцияси «Ўзбекистон» станцияси бошлиғи, Тошкент шаҳри, Тошкент шаҳридаги 25-Ленин сайлов округидан.

Ершов Александр Юрьевич, «Узавторемонт» ишлаб чиқариш бирлашмаси 4-Олмалиқ авторемонт заводи слесарь-созловчиси, КПСС аъзоси, Олмалиқ шаҳри, Тошкент область 65-Пиримқулов сайлов округидан.

Ешанов Турсинбой Бойжонович, Қорақалпоғистон АССР Соғлиқни сақлаш министри, КПСС аъзоси, Нукус шаҳри, Қорақалпоғистон АССР 473-Калинин сайлов округидан.

Желтоухов Виктор Михайлович, Ўрта Осиё темир йўли бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, Тошкент шаҳридаги 27-Темир йўл сайлов округидан.

Зоҳидбоева Тожихон, Ўрта Шаҳрихон қишлоғи ижроия комитети раиси, КПСС аъзоси, Шаҳрихон шаҳри, Андижон областидаги 155-Пахтаобод сайлов округидан.

Исаев Оқберди, Томди районидаги «Томди» давлат наслчилик заводи директори, КПСС аъзоси, Томди қишлоғи, Бухоро область 201-Томди сайлов округидан.

Исоқжонов Ваҳобжон, Ленинск автобус-таксимотор парки директори, КПСС аъзоси, Ленинск шаҳри, Андижон область 149-Ленинск сайлов округидан.

Исломов Ҳайдар, Самарқанд область прокурори катта ёрдамчиси, КПСС аъзоси, Самарқанд шаҳри, Самарқанд область 313-Тельман сайлов округидан.

Кабанов Сергей Анатольевич, Тошкент трактор заводининг биринчи категорияли инженери, Тошкент шаҳри, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳридаги 23-Улуғбек сайлов округидан.

Каримов Муҳаммаджон, Наманган абрли шойи газламалар ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори, КПСС аъзоси, Наманган райони, Наманган область 244-Ленин сайлов округидан.

Криворучко Виктор Иванович, Самарқанд давлат медицина институти болалар ва ўсмирлар гигиенаси ва экология кафедраси мудири, КПСС аъзоси, Самарқанд шаҳри, Самарқанд область 277-Университет сайлов округидан.

Мансуров Аҳад Набиевич, халқ депутатлари Фарғона область Совети ижроия комитети соғлиқни сақлаш бўлими мудири, КПСС аъзоси, Марғилон шаҳри, Фарғона область 410-Комсомол сайлов округидан.

Мансуров Ҳасан Мансурович, йигирув-тўқув фабрикаси директори, КПСС аъзоси, Андижон шаҳри, Андижон область 125-Киров сайлов округидан.

Маҳмудов Қаҳрамон Аҳмедович, Боғишамол районидаги халқ депутатлари Хишров посёлка Совети ижроия комитети раиси, КПСС аъзоси, Самарқанд шаҳри, Самарқанд область 278-Ўзбекистон сайлов округидан.

Мельников Павел Петрович, пенсионер, Зарафшон шаҳри, Бухоро область 172-Зарафшон сайлов округидан.

Мирзажонов Аъзамжон, Навоий номли колхоз правленияси раиси, Қўрғонтепа райони, Андижон область 148-Дардоқ сайлов округидан.

Мирзиёев Шавкат Миромонович, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти парткоми секретари, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, Тошкент шаҳридаги 22-Қорасув сайлов округидан.

Мирсаидов Мирзиёд, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Механика ва зилзилага бардошли иншоотлар институти илмий ходими, Тошкент шаҳри, Тошкент шаҳридаги 20-Яланғоч сайлов округидан.

Мирхонов Ринат Бўриевич, 16-ўрта мактаб директори, КПСС аъзоси, Бухоро шаҳри, Бухоро область 165-Ленин сайлов округидан.

Мўминов Мубин, Усто Ширин номли Бухоро махсус илмий-ишлаб чиқариш устахонаси таъмирчи устаси, КПСС аъзоси, Бухоро шаҳри, Бухоро область 167-Оржоникидзе сайлов округидан.

Миродуллаев Муҳаммад, халқ депутатлари Шарғун шаҳар Совети ижроия комитети раиси, КПСС аъзоси, Шарғун шаҳри, Сурхондарё область 359-Шарғун сайлов округидан.

Мусаев Зайниддин Собирович, Оҳангарон дон маҳсулотлари комбинати директори, Оҳангарон шаҳри, Тошкент область 70-Оҳангарон сайлов округидан.

Муҳаммадқулова Муяссар, 10-туғруқхона бош врачи, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, Тошкент шаҳридаги 42-Карбишев сайлов округидан.

Нажимов Шавкат, Ангрен олтин кони директори, КПСС аъзоси, Ангрен шаҳри, Тошкент область 69-Студентлар сайлов округидан.

Нарзиев Шавкат, район марказий касалхонаси бош врачи, КПСС аъзоси, Ғиждувон шаҳри, Бухоро область 171-Ғиждувон сайлов округидан.

Насимов Раҳимжон Маҳмудович, 1-«Облагрострой» трести бошқарувчиси, КПСС аъзоси, Самарқанд шаҳри, Самарқанд область 281-Акмал Икромов сайлов округидан.

Неъматов Ўктам, «Самаркандхлопкомаш» заводи директори, КПСС аъзоси, Самарқанд шаҳри, Самарқанд область 286-Даҳбед сайлов округидан.

Нишонов Содиқ Аҳматович, С. Айний номли Самарқанд давлат педагогика институти ректори, КПСС аъзоси, Самарқанд область 283-Октябрь сайлов округидан.

Ниёзов Абдуқаҳҳор, Фрунзе районидаги «Коммунизм» совхози директори, КПСС аъзоси, Қўқон шаҳри, Фарғона область 446-Найманча сайлов округидан.

Нусратов Шуҳрат Тухватович, халқ депутатлари Куйбишев район Совети ижроия комитети раиси, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, Тошкент шаҳридаги 21-Циолковский сайлов округидан.

Овчинников Юрий Иванович, «Самарқанд» станцияси вагон депоси бошлиғи, КПСС аъзоси, Самарқанд шаҳри, Самарқанд область 284-Темир йўл сайлов округидан.

Олимжонов Ҳамидулла Исоқович, «Узбекбургаз» трести бошқарувчиси, КПСС аъзоси, Қоровулбозор шаҳри, Бухоро область 186-Когон қишлоқ сайлов округидан.

Отаёров Очил, Советобод районидаги «Каттақўрғон» совхози бригадири, Самарқанд область 324-Советобод сайлов округидан.

Ражабова Раҳима, Ёзёвон районидаги «Москва» колхози правленияси раиси, КПСС аъзоси, Бўтқачи қишлоғи, Фарғона область 448-Ёзёвон сайлов округидан.

Раҳмонов Равшан, Тошкент давлат педагогика институти Навоий филиали директори, КПСС аъзоси, Навоий шаҳри, Бухоро область 175-Саноат сайлов округидан.

Режапов Тоҳиржон Бекмирзаевич, Олтинқўл районидаги Куйбишев номли колхоз ижарачиси, КПСС аъзоси, Андижон область 129-Кўмакай сайлов округидан.

Рўзимуродов Шоврик, Яккабоғ район матлубот жамияти юкчилар бригадаси бошлиғи, «Олақарға» қишлоғи, Қашқадарё область 240-Қишлик сайлов округидан.

Рўзиев Руиддин, «Каршиирмонтаж» трести ихтисослаштирилган механизациялашган кўчма колонна электр монтажчиси, КПСС аъзоси, Қарши шаҳри, Қашқадарё область 208-Темир йўл сайлов округидан.

Рўзиев Эркин Маҳмудович, Ўзбекистон Компартияси Бекобод шаҳар комитети биринчи секретари, КПСС аъзоси, Бекобод шаҳри, Тошкент область 72-Металлург сайлов округидан.

Саидазимов Парпишер Эгамбердиевич, «НОД»нинг ишчилар таъминоти бўлими бошлиғи, КПСС аъзоси, Наманган шаҳри, Наманган область 243-Марказий сайлов округидан.

Салоҳиддинов Маҳмуд, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси президенти, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, Наманган область 242-Коммунистик сайлов округидан.

Саъдуллаев Намоз, «Совет Ўзбекистони» газетаси муҳаррирининг ўринбосари, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, Самарқанд область 304-Жўш сайлов округидан.

Солиев Ғанижон, «Андижаннефть» нефть-газ қазиб чиқариш бошқармаси ишчилар таъминоти бўлими бошлиғи, КПСС аъзоси, Ленинск шаҳри, Андижон область 163-Кулла сайлов округидан.

Соловьев Владимир Александрович, автоматика ва тажриба-конструкторлик бюроси Чирчиқ филиали бош конструктори, КПСС аъзоси, Чирчиқ шаҳри, Тошкент область 75-Химия заводи сайлов округидан.

Солуянов Александр Петрович, ҳарбий хизматчи, КПСС аъзоси, Фарғона шаҳри, Фарғона область 398-Фрунзе сайлов округидан.

Сотиболдиев Қаҳрамон Солиевич, Тошлоқ райони прокурори, КПСС аъзоси, Тошлоқ посёлкаси, Фарғона область 436-Тошлоқ сайлов округидан.

Султонов Олтинбой, электр аппаратлари заводи электр слесари, КПСС аъзоси, Андижон шаҳри, Андижон область 124-Завод сайлов округидан.

Султонов Раҳимжон Аҳмедович, Ўзбекистон телевидениеси ва радиосининг Москвадаги ўз мухбири, Ўзбекистон ССРнинг СССР Олий Советидаги парламент мухбири, КПСС аъзоси, Москва шаҳри, Самарқанд область 323-Даштакиболо сайлов округидан.

Тожихонов Лутфулла, Тошкент темир йўл станцияси клиник касалхонаси бош врачи, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, Тошкент шаҳридаги 48-Сельмаш сайлов округидан.

Тараник Виктор Алексеевич, «Кинап» заводи радио электрон аппаратуралар регулировкачиси, КПСС аъзоси, Самарқанд шаҳри, Самарқанд область 282-Карл Маркс сайлов округидан.

Тешабоев Ҳошимжон, Андижон парҳез гўшт етиштирувчи паррандачилик бирлашмаси бош директори, КПСС аъзоси, Ленинск шаҳри, Андижон область 152-Кўжгон сайлов округидан.

Тошқулов Анвар Истатович, 92-автокорхона директори, КПСС аъзоси, Косон шаҳри, Қашқадарё область 218-Косон сайлов округидан.

Тўлаганова Тоиба Маҳкамовна, Тошкент политехника институти фалсафа кафедраси катта ўқитувчиси, Тошкент шаҳри, Тошкент шаҳридаги 5-Назарбек сайлов округидан.

Тўраев Назар Йўлдошевич, Термиз давлат педагогика институти ректори, КПСС аъзоси, Термиз шаҳри, Сурхондарё область 344-Темирйўл сайлов округидан.

Турдиев Абди, Кўкдала ремонт ишлаб чиқариш корхонаси директори, КПСС аъзоси, «Кўкдала» совхози, Қашқадарё область 232-Кўкдала сайлов округидан.

Тожиев Рустамжон, 18-ўрта мактаб директори, КПСС аъзоси, Ултарма қишлоғи, Фарғона область 423-Чувалачи сайлов округидан.

Умаров Садирали, Ҳамза Ҳакимзода номли совхоз ишчиси, КПСС аъзоси, Қурбонқашқар қишлоғи, Фарғона область 430-Дзержинский сайлов округидан.

Умирзоқов Абдураззоқ, «Ўзбекистон комсомоли 50 йиллиги» совхози директори, КПСС аъзоси, Чуя қишлоғи, Самарқанд область 308-Чуя сайлов округидан.

Файзуллаев Равшан Фатхуллаевич, «Ташгорпассстранс» ишлаб чиқариш бирлашмаси бошлиғи, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, Тошкент шаҳридаги 8-Марказий сайлов округидан.

Фузайлов Фарҳод Зиёдуллаевич, 340-округ ҳарбий госпитали бўлинмаси бошлиғи, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, Тошкент шаҳридаги 19-Високовольтний сайлов округидан.

Ҳалимов Холиқ Чкалов номли колхоз правленияси раиси, КПСС аъзоси, Чкалов номли колхоз, Самарқанд область 330-Хатирчи сайлов округидан.

Ҳамзаев Ҳасанбой, Улуғбек номли колхоз бригадири, КПСС аъзоси, Зарафшон қишлоғи, Самарқанд область 319-Тойлоқ сайлов округидан.

Ҳамидов Толиб Қаҳҳорович, «Промстрой» трести бошқарувчиси, КПСС аъзоси, Самарқанд шаҳри, Самарқанд область 279-Боғишамол сайлов округидан.

Хиббимов Болта Хиббимович, колхозлараро «Оналик ва болалик» санаторий-профилакторийси бош врачи, КПСС аъзоси, Иштихон шаҳри, Самарқанд область 295-Иштихон сайлов округидан.

Эгамбердиев Эркин Ҳайдарович, Ўрта Осиё машиналар синаш станциясининг директори, КПСС аъзоси, Гулбаҳор посёлкаси, Тошкент область 120-Эски Қовунчи сайлов округидан.

Эргашев Ботир Қодирович, ип-газлама ишлаб чиқарувчи тўқимачилик комбинати бош директори, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, Тошкент шаҳридаги 46-Тўқимачилик сайлов округидан.

Шаропов Холбой, Нарпай район медицина бирлашмаси травмотология бўлими мудири, КПСС аъзоси, Оқтош шаҳри, Самарқанд область 306-Маркент сайлов округидан.

Шоҳмардонов Жамшид Жумаевич, Ўзбекистон ССР ДОСААФ Марказий Комитети раиси, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, Бухоро область 188-Қоракўл сайлов округидан.

Ширинқулов Тошпўлат Ширинқулович, Самарқанд архитектура институти кафедраси мудири, КПСС аъзоси, Самарқанд шаҳри, Самарқанд область 303-Қўшработ сайлов округидан.

Юсупов Акбаржон, «Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси касаба союз комитети раиси, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, Тошкент шаҳридаги 15-«Узбексельмаш» сайлов округидан.

Қайимов Ширин, Ғиждувон районидаги Энгельс номли колхоз тракторчиси, Сармижон қишлоғи, Бухоро область 185-Сармижон сайлов округидан.

Қобилов Мели Ортиқович, пенсионер, 2-Тоқчилик маҳалла комитети раиси, КПСС аъзоси, Жиззах шаҳри, Жиззах область 363-Ульянов сайлов округидан.

Қўчқоров Алижон, Ижтимоий фанлар академияси Илмий атеизм институтининг республикаларо Ўзбекистон ССР филиали директори, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, Наманган область 251-Ҳаққулобод сайлов округидан.

Қодиров Бахтиёр Асадуллаевич, Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш Министрлиги педиатрия илмий-тадқиқот институти жигар патологиясини ўрганиш бўлими раҳбари, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, Тошкент шаҳридаги 45-Фрунзе сайлов округидан.

БОБУР ЖАҲОН НАЗДИДА

● Чиройли муқовали нозик дид билан безатилган олти китоб: «Бобур», «Акбар», «Жаҳонгир», «Шоҳ Жаҳон», «Аврангзеп», «Сўнгги мўғуллар».

Бу асарлар адабиётимизнинг классик вакили, тарихчи, олим, ўзбек реалистик насрини бошлаб берган Бобур ва унинг авлодлари ҳақида. Муаллифи — ҳинд алломаси Муни Лал.

Бобур туғилган кун арафасида Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Пиримқул Қодиров билан суҳбатимизга ана шу китоблар ва жаҳон олимларининг Бобур ҳамда унинг авлодлари ҳақидаги асарлари сабаб бўлди.

— Пиримқул ака, сиз узоқ йиллардан бери тарихчи-шарқшунос ва ёзувчи сифатида Бобур ва унинг ижодига оид манбаларни ўрганиб, ўз билганларингиз ҳақида қалам тебратиб келмоқдасиз. Бобурнинг шоҳ ва шоир сифатида мураккаб ҳаёт кечирганини, феодал синфи манфаатлари йўлида қонли урушлар қилганини ҳам ҳаққоний билан тасвир этгансиз. Лекин Бобурни жаҳонга танитган унинг улкан шоирлик талантидир. «Бобурнома» асари умумиқсоний қадрият сифатида, айниқса теран ҳурматга сазовор. Шу йил кузда «Бобурнома»нинг ёзиб тугалланганига 460 йил тўлади. Суҳбатимизни шу хусусдаги фикрларингиздан бошласак.

— «Бобурнома»нинг дунёнинг барча қитъаларида шуҳрат қозонганлиги, аввало, бу асар муаллифи буюк шахс ва ёрқин истеъдод соҳиби эканлигига шаҳодат. Ҳиндистон ва Покистон каби Шарқ, Англия, Франция каби ғарб мамлакатларида у ўн мартадан ортиқ нашр этилган. Жаҳон олимлари «Бобурнома»ни Нютоннинг «Эсдаликлар»и ва Ж. Ж. Руссонинг «Иқрор»и билан бир қаторга қўядилар.

Бобурнинг бетакрор ижодини, айниқса, ўзбек халқи жон-дилидан яхши кўради ва уни улуғ классик адибларимиздан бири сифатида эъзозлайди. Фақат вульгар-социологизм тарафдорлари яқин йилларгача Бобур шахси, ижодига нотўғри муносабатда бўлиб келдилар. 1983 йилда унинг 500 йиллигини ЮНЕСКО кенг нишонламоқчи бўлганида, турғунлик даврининг бахиллари бунга имкон бермадилар.

Бобур ижодини қадрлаш масаласи ҳақида гап кетганда, бунинг фақат жумҳуриятимиз учун эмас, балки Ҳиндистон, Афғонистон, Покистон каби қўшни мамлакатлар учун ҳам аҳамияти катта эканлигини назарда тутишимиз лозим. «Бобурнома»нинг ЮНЕСКО чоп этган нашрига ўзбек олимаси С. Азимжонова билан бирга ҳинд, афғон академиклари ҳам сўз боши ёзганлар.

— Илгари бир суҳбатингизда Бобурнинг Россияга бўлган қўшничилик муносабатлари ҳақида қизиқ далиллар борлигини айтган эдингиз.

— Бу чиндан қизиқ ва муҳим далил. «Бобурнома» ёзиб тугалланган 1530 йилда Бобур Ҳиндистонда Москвага Хўжа Хусайн деган ишончли кишисини элчи қилиб юборган ва Россия билан дўстлик, биродарлик алоқалари ўрнатишни таклиф қилган. Бу ажойиб ҳодиса улуғ рус тарихчиси Карамзиннинг «Россия давлати тарихи» китобида қайд этилган. Буюк рус ёзувчиси И. С. Тургенев ҳам «Пунин ва Бобурнин» китобида Бобурни ҳурмат билан қаламга олган.

Кейинги даврда бу воқеаларни тадқиқ этган рус совет олимаси Г. Ф. Благова гуноҳлик беришича, Бобур элчиси Москвага яқин бўлган Киржач, Муром атрофида бир неча йил яшаган ва шу сабабли бу ерларда «Бобурнома», «Бабурин хутор» деган жойлар пайдо бўлган.

Ҳали эслатиб ўтганингиздек, кузда «Бобурнома»нинг ёзиб тугалланганига 460 йил тўлади. Бу ҳодисани нишонлаш орқали Ўзбекистон билан Россия Федерацияси ва қўшни жумҳуриятлар орасидаги дўстлик ва маданий алоқаларни янада мустаҳкамлаш имкониятлари бор. Жумладан, ён қўшнимиз Қирғизистоннинг Ўш шаҳрида турли миллат вакиллари ҳамкорлик қилиб, Бобур ҳужрасини қайта тикладилар. Бу хайрли ишни «Правда» газетаси қўллаб-қувватлаб чиқди. Қўшни Тожикистонда ҳам Бобурнинг маданий меросига оид ёдгорликлар эъзоз билан музейда сақланмоқда.

Бу гаплардан мақсад шуки, «Бобурнома»нинг 460 йиллигини фақат жумҳуриятимиз эмас, балки Бутуниттифоқ ва байналмилал миқёсларда нишонлаш учун етарли асослар мавжуд.

— Тарихий шахслар ҳақида хорижий мамлакатларда китоблар, тадқиқотлар нашр этилгани, уларнинг ҳаёти, фаолияти мукаммал ўрганилгани ҳақида кўп эшитганман. Бундан Бобур ҳам истисно бўлмаса керак.

Бобур ҳақида жаҳонда ўнлаб нашрлар бор. Чунончи, инглиз олимлари Вилямс Эрскин, Стени Лейнпул, Рашбрук Вилямс каби олимлар Бобурга бағишлаб махсус китоблар ёзишган.

Маълумки, Бобурнинг ижоди ва фаолияти Ҳиндистон тарихида катта ўрин тутади. Шунинг учун Бобур ва унинг авлодлари ҳақидаги баъзи китоблар йирик ҳинд олими Муни Лал қаламига мансуб. Муни Лал асарларининг бир қимматли жиҳати шундаки, у инглиз, урду ва ҳинд тилларидаги тарихий манбаларни чуқур ўрганган.

Яқинда Ҳиндистонга борганимда Муни Лални қидириб топдим. У саксонни қоралаган, салобатли сиймо экан. Мен унга «Бобур» романимнинг урду тилида нашр этилган нусхасини совға қилдим. Муни Лал бундан хурсанд бўлди ва менга ўзининг Бобурийлар сулоласи ҳақидаги «Бобур», «Жаҳонгир», «Шоҳ Жаҳон» ва «Сўнгги мўғуллар» деб номланган китобларини тақдим этди.

Муни Лал ҳам Бобурни буюк ижодкор, деб баҳолайди. У туғилиб ўсган Ўзбекистонда бўлишни орзу қилади.

— Сиз ҳам Бобур ва унинг авлодлари ҳақида «Юлдузли тунлар» ва «Авлодлар довони» романларингизни ёздингиз. Муни Лал билан сизнинг ижодингизда қандай умумийлик ва фарқлар бор?

— Умумийлик шуки, икковимиз ҳам «Бобурнома», «Ҳумоюннома», «Акбарнома» каби жаҳонга машҳур тарихий манбалардан фойдаланганмиз. Бу, албатта, ташқи умумийлик. Лекин дунёқарашларимиз ҳар хил. Бундан ташқари, Муни Лал туркий ва форсий тилларни билмайди. Зотан, тил халқнинг маънавий қиёфасини белгиловчи ноёб ҳодисадир. Шунинг учун ҳам у Бобур ва унинг авлодларига хос ички дунё хусусиятларини, миллий-руҳий ҳолатларни қаламга кўп олмайди.

Мен эса ёзувчи сифатида қаҳрамонларимнинг руҳий оламини, миллий хусусиятларини бадиий тадқиқ этишга кўпроқ эътибор берганман. Шу жиҳатдан ёзганларимиз бир-бирини такрорламайди, балки тўлдиради.

— Тарихга муносабат масаласида ўзгача ёндашув ва мунозарали жиҳатлар ҳам борми?

— Муни Лал билан Деҳлида икки марта учрашиб, суҳбатлашдик. Бизга Авторлар ҳуқуқини муҳофаза қилиш ташкилотининг Ҳиндистондаги вакили Александр Протасеня таржимонлик қилди. Унинг гувоҳлигида мен Муни Лалга Бобур ва унинг авлодларига оид мунозарали бир гапни айтдим. У ҳам бўлса, Бобурийларни мўғуллар деб аташга илмий асос бор ёки йўқлиги ҳақида. Чунки, на Бобур, на Ҳумоюн ва на Акбар ўзларини ҳеч қачон мўғуллар деб атаган эмаслар. «Бобурнома»ни ўқисангиз, у ўзининг туркий улусдан эканини, она тили туркий тил бўлганлигини қайта-қайта таъкидлайди.

Бундан ташқари, машҳур олим Абул Фазл ўз «Акбарнома»сида унинг шажарасини қуйидагича баён қилади: Акбар бинни Ҳумоюн бинни Бобур бинни Умар шайх... бинни Амир Темур... бинни Абу Турк. Демак, Акбар ва унинг дўсти бўлган тарихчи олим Бобурийлар бобокалони туркий улусдан эканини алоҳида таъкидлаб айтган.

Улуғ мўғуллар, деган гапга келсак, бу атама Акбардан кейин Ғарбий Европадан Ҳиндистонга борган сайёҳлар томонидан киритилган. Буни ўзбек олими Ҳ. Сулаймонов «Бобурнома» расмлари китобида уч тилда қайд этган. Бобур ҳақида махсус китоб ёзган америкалик олим Хоральд Лэмб Х. Сулаймонов фикрининг инглизча матнини ўқиб чиққач, унга ёзган хатида Бобур ва унинг авлодлари чиндан туркий улусдан эканликларини эътироф этади.

Муни Лалга ана шуларни айтиб берганимда, у эътироз билдирмасдан ўйланиб қолди. Балки келажакда у ҳам юқорида номлари тилга олинган америкалик олимлар қатори бу фикрга қўшилар.

Бундан қатъи назар, ҳинд алломаси Муни Лалнинг Бобур ва унинг авлодларига бағишлаб бир эмас, олтита китоб ёзганлиги юксак эътиборга ва халқ эҳтиромига сазовордир. Бинобарин, келажакда уларнинг энг яхши жойларини ўзбек тилига таржима этиш учун қўлимиздан келган ҳаракатларни қилишимиз лозим. Негаки Бобур ва унинг авлодлари қолдирган маданий мерос халқларни руҳан бир-бирига янада яқинлаштиради.

Суҳбатдош Саъдулла ҲАКИМ.

● *Спорт*

Беллашув арафасида

ЯХШИ НИЯТ

Бу йил Қашқадарё вилоятида газета соврини учун курашга тайёргарликнинг ўзига хос услуби қўлланилди. Чунончи, Косон шаҳрида ўтказилган вилоят биринчилигида юздан ортиқ марафончи иштирок этди. Мусобақада йигитларнинг 20, хотин-қизларнинг 15, ёшлар ва ўсмирларнинг 5,8 ва 10 километрга югуришлари ташкил этилди. Жами 7 команда ўзаро баҳслашди. Умумкоманда ҳисобида Қарши шаҳар марафончилари муваффақият қозонишди. Шаҳрисабз ва Косон райони коллективлари ғолиблик супасининг иккинчи ҳамда учинчи ўринларини эгаллашди.

Шахсий биринчилик учун кураш ҳам муросасиз баҳсларга бой бўлди. Қаршилик Бахтиёр Каримовнинг 20 километрга югуриши мутахассислар эътиборини тортди. У югуришда маром ва меъёрга эътибор қилиб, ўзининг жисмоний имкониятларидан расамади билан фойдаланишга уринди. Бахтиёр маррада биринчи бўлиб, вилоят чемпиони бўлди. Шаҳрисабзлик М. Сулаймонов билан қаршилик Б. Рўзимовлар ҳам бўш келишмади. Улар ғолибдан дақиқалар ҳисобида орқада қолиб, қолган икки фахрли ўринни эгаллашди.

Ўн беш километрли масофага югуришда эса Шаҳрисабз қишлоқ хўжалигини механизациялаш техникумининг талабаси Асқар Шокиров маҳорат кўрсатди. Иккинчи ва учинчи ўрин эса унинг ҳамшаҳри Анвар Маҳмудов билан Алексей Королькованга насиб этди. Маълумки, хотин-қизларнинг олис масофага югуришлари ҳамиша мухлисларда катта қизиқиш уйғотади. Бу гал Қаршидаги 26-мактаб ўқитувчиси Ольга Абузярова баҳсга пухта шайланганлигини намойиш этди. Мухлислар уни вилоят чемпиони бўлганлиги билан муборакбод этдилар.

Бир неча йил бурун Шаҳрисабзда «Совет Ўзбекистони» газетаси соврини учун жумҳурият мусобақаси ўтказилганлиги оммавийликни таъминлашда ўзига хос из қолдиргани кўзга ташланмоқда.

— Югуриш бўйича вилоят мусобақасини ўтказишдан мақсад, — дейди Қашқадарё вилоят жисмоний тарбия ва спорт комитети раиси А. Акопов, — газета соврини учун курашувчи марафончиларимиз шайлигини кўздан кечириш ва ғолиблар сафидан кучлиларни саралаб, терма команда тузишдан иборат эди. Ҳозир Бахтиёр Каримов, Ольга Абузярова, Анвар Маҳмудов, Алексей Корольков, Ҳалим Шайдулин, Зулайҳо Холиқова, Марат Сулаймонов, Асқар ва Акбар Зокировлар каби спортчиларга умид боғлаганмиз. Марафончиларга тажрибали тренерлар А. Бурхонов билан О. Левоненколар мураббийлик қилишмоқда. Бир сўз билан айтганда, Термизда ўтказиладиган совриндорлик баҳсида фахрли, ўринлардан бирига давогарлик қилмоқчимиз. Орзуга айб йўқ, дейишади.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ХРОНИКА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Мария Андреевна Олимжонова, Игорь Евгеньевич Жуков ва Тамара Ивановна Позднякова ўртоқлар пенсияга чиққанлиги муносабати билан уларни Ўзбекистон ССР олий судининг аъзолари вазифасидан озод қилди.

Муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Р. — 01166. № 61. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12